

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI VAZIRLIGI**



**SAMARQAND QISHLOQ XO'JALIK INSTITUTI
Iqtisodiyot va boshqaruv fakulteti**

**«TASDIQLAYMAN»
Iqtisodiyot va boshqaruv
fakulteti dekani, i.f.n.,
dotsent _____**

F.B.Ahrorov

«____» _____ 2014 yil

**« Zootexniya xayvonlar genetikasi va urchitish » kafedrasi
5610100-«Fermer xo'jaligini boshqarish va yuritish» yo'nalishi bo'yicha**

BITIRUV MALAKAVIY ISHI

**Mavzu: "Chorvachilik fermer xo'jaliklarining iqtisodiy samaradorligi va uni
oshirish imkoniyatlari"(Qashqadaryo viloyati Shaxrisabz tumani fermer
xo'jaliklari misolida)**

**Bajardi: 5610100-«Fermer xo'jaligini
boshqarish va yuritish» yo'nalishi
4-bosqich talabasi**

Kenjayev Ulugbek

Ilmiy rahbar:

D.X.Xolmirzaev

Ilmiy maslahatchi

O.Murtazayev

**Bitiruv malakaviy ish
muhokama qilindi va himoyaga
ruxsat berildi**

**Kafedra mudiri, dotsent
_____ E.Shaptakov
«____» _____ 2014 yil.**

Mundarija

Kirish.....	4
1.Mavzuni nazariy asoslash va adabiyotlar sharxi.....	10
2.Qishloq xo'jaligi resurslar salohiyatidan foydalanish imkoniyatlari.....	15
2.1 Yer-suv resurslari va ulardan samarali foydalanish.....	15
2.2 Mexnat resurslari va ulardan samarali foydalanish.....	18
2.3 Moddiy texnika resurslari va ulardan samarali foydalanish usullari.....	21
3 Chorvachilik maxsulotlarini ishlab chiqarish va sotish samaradorligini	
 Hozirgi xolati.....	32
3.1 Iqtisodiy samaradorlik tushunchasi mezonlar kursatkichlar va ularni	
 Xisoblash yullari.....	32
3.2Chorvachilik maxsulotlari ishlab chiqarishining samaradorligining xozirgi	
 xolati.....	44
3.3 Chorvachilik maxsulotlarini ishlab chiqarish va sotish.....	51
4. Iqtisodiy erkinlashtirish davrida chorvachilik maxsulotlari yetishtirishni	
 takomillashtirish yullari.....	56
4.1 Chorvachilikni rivojlantirish va samaradorlikni oshirish yullari.....	56
4.2 Chorvachilik maxsulotlarining tannarxini pasaytirish imkoniyatlari.....	58
5. Chorvachilik tarmogida maxsulotishlab chiqarishda hayot faoliyatixavfsizligini	
 Taminlash choralari.....	67
 Xulosa va takliflar.....	71
 Foydalanilgan adabiyotlar ruyxati.....	73

Kirish

Чорвачилик Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг илдам ривожланаётган

соҳаларидан бири бўлиб, мамлакатда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик

маҳсулотларининг 46,3 фоизи унинг улушига тўғри келади. тармоқнинг

асосий хусусияти шундаки, чорвачилик маҳсулотларининг асосий қисми унча-лик катта бўлмаган оилавий (деҳқон) хўжаликларида ишлаб чиқарилмоқда.

ушбу хўжаликлар эгаллаган майдоннинг ўртача ҳажми 0,15 гектарни

ташкил этади. деҳқон хўжаликларида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб

чиқариш катта ижтимоий аҳамиятга эга. негаки, бу кўплаб оилалар учун

даромад олиш ва истеъмолнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Бироқ, аксарият чорвачилик хўжаликларининг майдалиги 2

замонавий технологияларни қўллаш ва “кўламдорликдан тежаш” орқали ижобий самара олиш имкониятининг чекланишига сабаб бўлмоқда

Бу эса тармоқ самарадорлиги кўрсаткичларининг пастлигида намоён бўлаётир. Мамлакатда чорвачиликни ривожлантиришнинг бошқа муаммолари ҳам бор. ушбу муаммоларнинг энг жиддийларидан бири озуқа етишмаслиги бўлиб, бу озуқа экинлари экиладиган майдонларнинг ҳаддан зиёд қисқариб кетгани билан боғлиқдир (1991 йилдан буён қорамол сони 45 фоизга кўпайганига қарамай,

озуқа экин майдонлари 70 фоизга қисқарган). қишлоқ ишлаб чиқарувчилари

учун хизмат кўрсатиш инфратузилмасининг етарли даражада ривожланмагани

ҳам долзарб муаммо ҳисобланади

.Ўзбекистон ҳукумати чорвачиликни барқарор ривожлантириш муҳимлиги ва мавжуд муаммолар ўткирлигини тушунган ҳолда, тармоқни ислоҳ қилиш борасида қатор чоралар кўрмоқда. Ўзбекистон республикаси Президентининг

2006 йил 23 мартда қабул қилинган “шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чоратадбирлари

тўғрисида”ги 308-қарори ушбу жараёнда муҳим дастури амал бўлмоқда.

Ушбу нашр БМТ тараққиёт дастурининг “Ўзбекистонда чорвачиликни

барқарор ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш” дастурини тайёрлаш

босқичи доирасида бажарилган таҳлилий ишлар самарасидир. нашрни чоп

этишдан кўзланган мақсад мамлакат чорвачилигининг бугунги аҳволи, уни

ривожлантириш йўналишлари ва бу борадаги асосий муаммоларни кўрсатиб

беришдан иборат. Бунда тармоқ аҳволи ва уни ривожлантириш масалалари

қуйидагилар ҳисобга олинган ҳолда таҳлил этилган:

а) аграр секторни ривожлантириш йўналишлари, хусусиятлари ва муам-

молари. негаки, бусиз аграр секторнинг кўплаб хусусиятлари ва муаммоларини

тушуниш қийин (Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги аҳолисининг қисқача шарҳи

нашрнинг биринчи бобида келтирилган);

б) чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг иккита асосий тоифаси – деҳқон ва фермер хўжаликларининг ўзига хос хусусиятлари (уларнинг хўжалик юритиш фаолиятининг қисқача тафсилоти иккинчи бобда келтирилган);

в) чорвачиликнинг ижтимоий роли (нашрда чорвачиликнинг аҳволи, авваламбор, қорамол парвариш қилаётган қишлоқ аҳолиси турмуш даражасига таъсири тадқиқ этилган).

нашрда асосий ўрин эгаллаган учинчи бобда тармоқ самарадорлигининг асосий омиллари ва муаммолари, чорвачиликни ривожлантиришга оид давлат

сиёсати чоралари таҳлили қилиниб, тавсиялар берилган.

қўйидагилар тадқиқотнинг ахборот базасини ташкил этади:

- расмий статистика маълумотлари (Ўзбекистон республикаси давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзнасл-хизмат” республика уюшмаси, Ўзбекистон республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг давлат ветеринария бош бошқармаси,

Чорвачиликда наслчилик ишлари бўйича давлат инспекцияси, ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси);

- ташқи манбалардан олинган статистика маълумотлари (халқаро,

ҳукуматлараро, илмий-тадқиқот муассасалари маълумотлари);

- учрашувлар, тармоқ мутахассислари ва вакиллари билан интервьюлар, давра суҳбатлари, семинарлар натижалари;

- оммавий ахборот воситалари, интернет материаллари;

- лойиҳани амалга ошириш доирасида деҳқон ва фермер хўжаликлари вакиллари ўртасида ўтказилган социологик сўров натижалари.

Мазкур сўров натижаларидан нашрда кенг фойдаланилгани боис, унинг услубияти ҳақида батафсил тўхталиб ўтамиз.

социологик сўров мақсадлари – иқтисодий ва ижтимоий характердаги муҳим, фермер ва деҳқон хўжаликларида чорвачиликнинг ривожланишига таъсир қиладиган омиллар ҳақида кенгайтирилган маълумотларга эга бўлиш. сўровнинг асосий вазифалари:

- томорқа хўжаликлари ҳақида маълумот, хусусан демографик маълумотлар, маълумоти, меҳнат билан банд бўлиш ва даромади ҳақида тафсилотлар, шу жумладан, оила томорқа участкаларидан келадиган даромадлар ва х.к. ҳақида

маълумот тўплаш;

- ҳар хил турдаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва уларнинг қарамоғида бўлган қишлоқ ишлаб чиқариши заҳиралари ва факторлари шу жумладан ер заҳиралари ва чорва бош сони ҳақидаги умумий маълумотларга

эга бўлиш;

- ҳар хил турдаги хўжаликлардаги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш, ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шу жумладан чорвачилик маҳсулотлари ҳақида ва бундан ташқари қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган даромад келтириш фаолиятлари ҳақида маълумот тўплаш;
- турли ҳилдаги хўжаликларда ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалиги (шу жумладан чорвачилик) маҳсулотлари миқдори, маҳсулдорлиги ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ҳақида маълумот тўплаш;
- заҳира ва хизматларнинг мавжудлиги ва етарлилиги, шу жумладан озуқа ва ветеринария ҳамда сунъий қочириш хизматлари билан таъминланганлик даражасини баҳолаш;
- ҳар хил турдаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини кредит-лаштириш ва бошқа банк хизматлари билан таъминланганлик даражасини баҳолаш.

ижтимоий тадқиқот 2007 йилнинг сентябрида Ўзбекистоннинг 8 ҳудуди – қорақалпоғистон республикаси, Хоразм, қашқадарё, жиззах, сирдарё, тошкент, наманган ва Фарғона вилоятларида ўтказилди. Агроиқлим ва ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари турли хил бўлган ҳудудларни қамраб олиш мақсадида БМт тараққиёт дастурининг “Ўзбекистонда чорвачиликни барқарор ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси ва қишлоқ ва сув

хўжалиги вазирлиги мутахассислари, шунингдек, халқаро маслаҳатчиларнинг тавсиялари асосида танлаб олинди. Бунда ҳар бир вилоятда чорвачиликни ривожлантириш давлат дастури доирасида мақсадли чора-тадбирлар ўтказиш

учун маъмурий туманлар, референт гуруҳ сифатида ушбу дастурни бажаришда

иштирок этмайдиган туманлар танлаб олинди¹

. Баъзи вилоятларда тадқиқот

2 дан кўпроқ туманларни қамраб олди, чунки тадқиқот бошида ушбу икки тумандан танлаб олинган фермерлар сони жуда кам бўлиб чиқди (яъни ушбу туманларда барча чорвадор фермерлар рўйхатдан ўтказилди).

сўровни ўтказишда умумий ҳажми 1600 тани ташкил этадиган квота

танловидан фойдаланилди. танловда 800 тадан хусусий фермер ва деҳқон

хўжалиги иштирок этди. танлов сўровда қишлоқ туманларидаги Чорвачиликни

ривожлантириш давлат дастури томонидан қамраб олинган ва олинмаган

ҳар икки турдаги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари тенг қатнашишини таъминлаш мақсадида шакллантирилди.

сўровда ҳар бир ҳудуддан 100 нафардан хусусий фермер қатнашди (шу

жумладан, тахминан шунча чорвачилик хўжалигини юритаётган фермерлар ва

деҳқончилик билан шуғулланадиган фермерлар). сўровда иштирок этиш учун

фермерлар туман деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси томонидан тақдим

этилган фермер хўжаликлари рўйхатлари бўйича тасодифий танлов услуби

асосида танлаб олинди. Бунда режадаги 800 та фермер хўжалиги ўрнига 803

та фермер хўжалиги тўғрисидаги маълумотлар қабул қилинди. Чунки, сўровда

қатнашган деҳқон хўжаликлари орасида фермер участкалари эгалари ҳам

борлиги маълум бўлди.

шунингдек, сўровда ҳар бир ҳудуддан 100 тадан деҳқон хўжалиги ҳам

иштирок этди. улар икки босқичли схема бўйича танлаб олинди: 1-босқичда

олдиндан белгиланган маъмурий туманлардан қишлоқ фуқаролар йиғинлари,

2-босқичда маҳалла қўмиталаридаги мавжуд уй хўжаликларининг тўлиқ

рўйхатига асосан уй хўжаликлари саралаб олинди.

тадқиқот жами 1600 та уй хўжалигини, шу жумладан:

- фақат деҳқон участкасига эга 797 та уй хўжалиги;
- фермер участкасига эга 803 та уй хўжалиги (уларнинг 797 таси деҳқон участкаларига ҳам эга)дан иборат эди.

тадқиқ қилинган туманлардаги уй-томорқа хўжаликларининг асосий

характеристикалари (демографик кўрсаткичлар, ишда банд бўлиш ва даромад

қилиш кўрсаткичлари, коммунал хизматлардан баҳраманд бўлиш даражаси)ни

тасвирлашда уй-томорқа хўжаликларининг (800 хонадон) тасодифий танлови услубидан фойдаланилди. деҳқон хўжаликларини тасвирлашда (участкалар ўлчамлари, маҳсулдорлиги, экинлар структураси, даромадлар ва истеъмол, чорва парвариши ва х.к.) 1594 уй-томорқа хўжаликлари, шу жумладан фермер

хўжаликларининг шахсий томорқа участкалари бўйича ҳам маълумотлардан фойдаланилди.

Фойдаланилган танлов схемаси ҳар бир фаолият тури (фермер ва деҳқон хўжаликлари) учун барча тадқиқ қилинган туманлар даражасида 0,95 репрезентативликни таъминлайди. Маъмурий туман даражасида танлов хатолари 10 фоиздан ошиши мумкин. шуни айтиб ўтиш жоизки, репрезентативликни баҳолаш ва танловнинг ўртача ва чегаравий хатолари ҳисоби уй-томорқа хўжаликларида киши бошига ўртача ҳаражатлар тақсимланиши ҳақидаги маълумотлар асосида амалга оширилган ва фақат: а) ҳаражат кўрсаткичлари билан чамбарчас боғлиқ ва б) нормал тақсимланишга эга бўлган кўрсаткичларга нисбатангина мувофиқ. Бошқа кўрсаткичлар бўйича

репрезентативлик кафолатланиши мумкин эмас.

асосий қишлоқ Хўжалик ишлаб

чиқарувчилари: қисқача таъриф

Ушбу бўлимда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларининг иккита асосий тури – деҳқон ва фермер хўжаликларининг қисқача тафсилоти берилган.

Ушбу хўжаликларда бугунги кунда аграр секторда иш билан банд аҳолининг 94

фоизи меҳнат қилади ва мамлакатда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 97 фоиздан ортиғи уларнинг улушига тўғри келади. Ушбу бўлим асосан 2007 йилнинг сентябрида Ўзбекистоннинг 8 ҳудудида фермер ва

деҳқон хўжаликлари вакиллари ўртасида ўтказилган сўров материалларига асосланган (сўров услубияти ҳақида Кириш қисмига қаранг).

2.1. тадқиқот ўтказилган деҳқон ва фермер уй хўжаликларининг

тавсифи

тадқиқот ўтказилган ҳудудларда оилалар (уй хўжаликлари) ўртача 6 кишини

ташkil қилади ва бу қишлоқ жойлари учун хосдир. деҳқон уй хўжаликлари

аъзоларининг қарийб учдан икки қисмини меҳнатга лаёқат ёшига (16 ёш)

етмаган болалар, 6,7 фоизини пенсия ёшидаги кишилар (эркаклар 60 ва аёллар

55 ёш) ташkil этади. Фермер участкасига эга уй хўжалиги (оила) ўртача 7

кишидан иборат бўлиб, уларнинг кўпчилиги меҳнатга лаёқатли ёшда (2.1-жадвал).

деҳқон хўжаликлари аъзоларининг маълумот даражаси кўрсаткичлари республика бўйича ўртача кўрсаткичдан унчалик фарқ қилмайди. Меҳнатга лаёқатли ва ундан катта ёшдаги аҳолининг қарийб ярми (48 фоизи) умумий ўрта маълумотга эга. уларнинг 38 фоизи касб-ҳунар маълумотига (олий ва ўрта)

эга. Фермерлар уй хўжаликларида маълумот даражаси кўрсаткичи деҳқонлар

уй хўжаликларига қараганда анча юқори. Фермер оилалари аъзоларининг 45 фоизи касб-ҳунар маълумотига эга, олий маълумотли шахслар эса 18 фоиздан

ортади.

тадқиқот ўтказилган деҳқон уй хўжаликларида меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли 61,7 фоизни ташкил қилади. Бандлик даражаси меҳнатга лаёқатли аҳоли

сонининг ўртача 65 фоизини ташкил этади. Бандлар тузилмасида кўпчилик ёлланган ишчилардан иборат (барча ишлаётган оила аъзоларининг 54 фоизи).

вақтинчалик ишлаётган ишчилар сони барча бандлар сонининг 11 фоизини ташкил этади. сўров қишлоқ хўжалик мавсуми қизғин паллада ўтказилганига қарамай, ишсизлик даражаси жуда юқори (ишга лаёқатли аҳолининг 7 фоизи).

ёлланган ишчиларнинг ярмидан кўпи ноқишлоқ хўжалик сектори, асосан,

бюджет ташкилотларида меҳнат қилмоқда. қишлоқ хўжалик секторида ишлаётганларнинг ярмидан камроғи ишлайди (42 фоиз). Бунинг устига, уларнинг аксарияти оилавий деҳқон хўжаликларида меҳнат қилади. томорқа участкаларида иш билан банд бўлганларнинг ҳар учинчиси ўзини ишсиз, деб ҳисоблайди, негаки ушбу хўжаликларнинг майдалиги уларнинг аъзоларини тўлиқ иш билан таъминлаш имконини бермайди. томорқа участкаларида меҳнат

қилаётган ва ўзини ишсиз деб ҳисоблайдиган уй хўжаликлари аъзолари ҳисобга

олинса, ишсизлик даражаси 12,5 фоизгача етиши мумкин. иккиламчи бандлик

кенг тарқалмоқда (яъни бир киши бир неча жойда ишлайди) - бандларнинг 38

фоизи.

Фермерлар уй хўжаликларида бандлик кўрсаткичлари сезиларли фарқ

қилади. очиқ ва яширин ишсизлик даражаси унчалик катта эмас (жами 1,3 ва

0,4 фоиз). Фермерлар оила аъзолари фаоллигининг иқтисодий кўрсаткичлари

бандлик даражасининг юқорилиги ҳисобидан анча баланд. ушбу бандлик

даражаси асосан оилавий фермер хўжалигида ишлаш орқали таъминланмоқда.

Фермер хўжалигида меҳнатга лаёқатли ёшдаги оила аъзоларининг 62 фоизи

меҳнат қилади. Бу борада фермерлар оилаларида вақтинчалик ва мавсумий

иш билан бандлар деярли йўқ. ноқишлоқ хўжалик секторда, яъни бюджет ташкилотларида фермерлар оила аъзоларининг атиги 13 фоизи, асосан хотин-

қизлар ишлайди. Фермер участкаси оила аъзоларининг кўпчилигини иш билан таъминлаётганига қарамай, бу бандлик унчалик самара бераётгани йўқ:

уларнинг 42 фоизи қўшимча жойларда меҳнат қилади.

тадқиқот ўтказилган деҳқон оилаларида ўртача даромад (деҳқон хўжаликларидан натурал истеъмол билан биргаликда) 2007 йилнинг августида

279 минг сўмни, жон бошига ўртача даромад эса (битта оила аъзосига) 46 минг

сўмни ташкил қилди. Фермер оилалари даромади эса икки барабар юқори – тегишли равишда 545 минг ва 79,4 минг сўм. томорқа участкаси қанчалик катта

бўлса, уй хўжаликларида жон бошига ўртача даромад шунча юқори. Бироқ, бу

участка ҳажми 0,4 гектардан ошадиган ҳолатларга тааллуқлидир.

қишлоқ хўжалиги фаолияти даромадларни шакллантиришнинг энг

муҳим омили ҳисобланади. ушбу фаолиятдан тушган даромад оилалар

жами даромадлари тузилмасида (жумладан, қишлоқ хўжалик секторида

ёлланма ишдан тушадиган даромад) деҳқон уй хўжаликларида 33, фермер

уй хўжаликларида 73 фоизни ташкил қилади (2.2-жадвал). Бунда ҳар икки турдаги уй хўжаликларидаги деҳқон участкаларидан асосан сотиш учун эмас, балки, ўз эҳтиёжи учун маҳсулот етиштириш мақсадида фойдаланилади: уй сўров давомида олинган маълумотларнинг қиёсий таҳлили деҳқон уй хўжаликларида фаровонлик даражаси (деҳқон хўжаликларида оиланинг бир нафар аъзосининг ва ер бирлиги даромад кўрсаткичларида ифодаланган, шунингдек, фаровонлик даражасини баҳолаш бўйича) қуйидаги кўрсаткичлар

ўртасида бевосита ўзвийлик борлигини кўрсатди:

1. суғориладиган ва экин майдони ҳажми.
2. Чорва моллари, аввало, қорамол подаси сони (бошқа турдаги моллар учун ушбу ўзвийликнинг таъсири кам).

Бундан ташқари, фаровонлик даражасини баҳолаш кўрсаткичлари деҳқон хўжалигида қишлоқ хўжалик техникасининг мавжудлигини ифодаловчи кўрсаткич, қишлоқ хўжалик фаолиятдан олинadиган даромадлар кўрсаткичи

деҳқон участкасининг умумий ҳажми билан таққосланади.

шу тариқа оила қанча кўп ресурсга эга бўлса (ер, чорва моллари, техника), ўзининг моддий аҳволини яхшилаш имконияти шунча ортади.

Бу фермерлар оиласига ҳам тааллуқлидир. орадаги фарқ шундаки,

фермерлар кўплаб ресурслардан фойдаланади. Бу ерда қуйидагилар оила

даромадларига таъсир кўрсатадиган муҳим омиллар саналади:

1. Фермер хўжалигининг кўлами (суғориладиган ва экин ерлари ҳажми, ишчилар ва фойдаланиладиган техника сони). Хўжалик қанча катта бўлса, оила фаровонлиги ҳам шунча юқори бўлади.
2. коммунал инфратузилманинг ривожланганлик даражаси (газ, сув, электр таъминоти, телефон, кириш йўли) мавжудлиги ва аҳволи.
3. қорамол подаси сони. соғин сигирлар сони фаровонликка ижобий таъсир кўрсатади.

2.2. деҳқон хўжаликлари

Ўзбекистонда қишлоқ жойлардаги кўплаб оилалар деҳқон хўжалигига эга.

деҳқон участкаларини бир қанча турларга ажратиш мумкин:

- томорқа участкалари;
- қишлоқ хўжалик фаолиятини юритиш учун махсус ажратиладиган деҳқон участкалари (одатда, бундай участкалар аҳоли пунктининг четроғи ёки атрофида жойлашган бўлади);
- янги уй-жой қуриш учун ажратилган участкалар (баъзи оилалар, бундай участкалардан кўпинча қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш учун фойдаланади).

томорқа участкалари кенг оммалашган бўлиб, улардан уй хўжаликларининг

99,6 фоизи фойдаланади (2.4-жадвал). участкаларнинг ўртача катталиги 0,15

гектарни ташкил қилади. Фермерлар оиласи эга бўлган томорқа участкалари анча катта. қишлоқ хўжалик экинлари одатда участканинг ярмидан кўпини эгаллайди. Экин экилган майдон кўпгина ҳолларда суғорилади. Аксарият томорқа участкалари (73 фоиз) ўтган асрнинг 90-йиллари бошида берилган. уй хўжаликларининг 21 фоизи ўз участкасига 1991-2000 йилларда, 6 фоизи 2000 йилдан кейин эга бўлган.

тадқиқот ўтказилган уй хўжаликларининг 13 фоизи қўшимча деҳқон хўжаликларига эга. уларнинг ўртача катталиги томорқа участкаларига нисбатан

20-30 фоизга катта бўлиб, умумий ер майдони суғорилади ва экин экиш учун фойдаланилади. қўшимча участкалар эгалари ушбу ерларнинг 85 фоизига 1990

йилдан сўнг, жумладан, 26 фоизига 2001-2007 йилларда эга бўлган. тадқиқот ўтказилган уй хўжаликларининг 9,4 фоизи эса яқка тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган участкаларга эга. улар ўз хусусиятига кўра, қўшимча деҳқон хўжаликларидан унчалик фарқ қилмайди. қурилиш учун мўлжалланган участкаларнинг катта қисми (89 фоизи) 1990 йилдан сўнг берилган. Аммо, бундай участкалар 2001-2007 йилдан сўнг кўп ажратилди (бундай барча участкаларнинг учдан икки қисми). уй хўжаликлари ер участкаларидан ташқари бошқа кўп ресурсларга эга эмас. тадқиқот ўтказилган оилаларда қишлоқ хўжалик ускуналари деярли йўқ (2.5-жадвал). трактор ва комбайнлар

асосан фермер хўжаликларида бор, кўпгина оилалар юк автомобиллари ва микроавтобусларга, енгил автомобилларга оилаларнинг 20 фоизи эга (фермер

оилаларининг 54 фоизи). уй хўжаликларининг 99 фоизида ҳатто, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига биринчи қайта ишлов бериш учун оддий қишлоқ хўжалик инвентари ва ускуналари – плуг, культиватор, шоли майдалагич, сепараторлар ва ҳоказолар йўқ

тадқиқот ўтказилган аксарият уй хўжаликлари ўз томорқа участкаларида асосан мева-сабзавот, узум етиштиради. Мева-сабзавот экилган ерлар турли ҳудудларда томорқа участкаларининг 40-90 фоизини эгаллайди. Маккажўхори

ҳам энг кенг тарқалган экинлардан ҳисобланади, уй хўжаликларининг 30 фоизи

ушбу экинни етиштиради ва улар бундай участкаларнинг бешдан бир қисмини

ташкил қилади. Баъзи уй хўжаликлари бошқа экинларни етиштиради. Бошқа турдаги деҳқон участкаларида экинлар тузилмаси томорқага қараганда мутлақо

бошқача. қўшимча деҳқон участкалари асосан бошоқли экинлар (буғдой, шоли,

маккажўхори) етиштириш билан шуғулланади. уларнинг айримлари сабзавот ва айниқса, мева етиштиради. қурилиш учун ажратилган участкалардан

асосан маккажўхори, мева-сабзавот, шунингдек, пичан етиштириш учун фойдаланилади. деҳқон участкалари кўпинча озуқа экинларини (асосан ҳашак)

етиштиради – сўров маълумотларига кўра, томорқа участкалари эгаларининг 17, қўшимча деҳқон участкалари эгаларининг 15, қурилиш учун ажратилган участкалар эгаларининг 27 фоизи. озуқабоп илдизмевали экинлар камроқ ва шунинг учун улар деҳқон участкаларининг баъзиларидагина етиштирилади.

умуман, деҳқон хўжаликларининг маҳсулдорлиги фермер хўжаликларига нисбатан анча юқори. Маълум даражада буни, айниқса, қўшимча деҳқон участкаларида такрорий экинлар экиш кенг жорий этилгани билан изоҳлаш мумкин. Масалан, Фарғона вилоятида деҳқон участкаларининг 50 фоизиди такрорий экинлар экилади.

деҳқон хўжалигини юритиш учун пул сарфлаш даражаси паст – ўртача катталиқдаги битта участка учун йилига ўртача қарийб 90 минг сўм. Боз устига,

уй хўжаликларининг 70 фоиздан ортиғи ушбу мақсадлар учун икки баравар кам маблағ сарфлайди (йилига ўртача 40 минг сўм). Фермер уй хўжаликлари ўз

ер участкаларига деҳқон хўжаликларига қараганда тахминан 1,5 баравар кўп маблағ сарфлайди. участка қанчалик кичкина бўлса, ер майдони бирлиги учун

харажат ҳам шунча юқори. участкани 20 фоизга кенгайтириш сарф-харажатлар

салмоғини 30-50 фоизга камайтиришга олиб келади, бу асосан 0,8 гектарга тенг

участкаларга тааллуқлидир.

деҳқон хўжаликлари рентабеллиги жуда юқори – етиштирилган маҳсулот қиймати сарфланган маблағдан 5-10 баравар ортади. Бироқ, бу борада шунга алоҳида эътибор қаратиш керакки, деҳқон хўжалигини юритиш учун кетадиган

харажатларни ҳисоб-китоб қилинганда сарфланган меҳнат ҳисобга олинмайди.

негаки, оила аъзоларининг томорқа участкасида ишлаши ҳисобга олинмайди ва бунга ҳақ тўланмайди.

деҳқон участкаларида етиштирилган маҳсулот асосан оила эҳтиёжларига кетади, тадқиқот ўтказилган уй хўжаликларининг атиги 8 фоизи бундан мустасно. Бир йилда ўртача истеъмол ҳажми унчалик юқори эмас ва битта оила учун 300 минг сўм ёки бир кишига 50 минг сўмни ташкил қилади.

уй хўжаликларининг ярмидан камроғи деҳқон участкаларида етиштирилган маҳсулотларни сотади. участка қанчалик катта бўлса, деҳқон хўжаликларининг

маҳсулдорлиги шунча юқори бўлади. деҳқон участкаларидан кўпроқ товар маҳсулотлари етиштириш учун фойдаланадиган фермерлар бундан мустасно

ҳолбуки, фермер уй хўжаликларида бундай участкалар анча катта. деҳқон участкаларида етиштирилган маҳсулотни сотишдан олинган даромад унчалик

кўп эмас – йилига ўртача қарийб 600 минг сўм. Мазкур уй хўжаликларининг 80

фоизида бундай даромаднинг ўртача миқдори йилига 250 минг сўмни ташкил

этади.

тадқиқот ўтказилган уй хўжаликларининг тўртдан уч қисми уй ҳайвонлари

ва парранда парвариш қилади. қорамол уларнинг орасида кенг тарқалгани

бўлиб, деҳқон уй хўжаликларининг 80, фермер уй хўжаликларининг 64 фоизида

мавжуд, оилаларнинг 63 фоизи соғин сигирлар, яна 10 фоизи бўрдоқига боқиш

учун буқаларга эга (2.7-жадвал). Битта деҳқон уй хўжалигида ўртача 2,8 бош

қорамол, жумладан, 1,3 бош соғин сигир боқилади. Фермер уй хўжаликларида

бу кўрсаткич тегишли равишда 4,4 ва 1,8 бошни ташкил қилади. деҳқон уй

хўжалигида соғин сигирлар улуши 37, фермер уй хўжаликларида 39 фоизни

ташкил этади.

оилаларнинг қарийб 30 фоизи қўй парвариш қилади. Битта деҳқон

оиласида ўртача 6, фермер оиласида 10 та қўй бор. тадқиқот ўтказилган уй

хўжаликларининг 11 фоизи эчки боқади – ўртача 6-7 та. Бошқа ҳайвонлар орасида эшак, камдан-кам ҳолларда от учрайди. Бундан ташқари, уй хўжаликларининг қарийб ярми ўртача 14 та уй паррандасига эга.

деҳқон хўжаликлари асосан сут маҳсулотлари етиштиришга йўналтирилган – атиги 13 фоиз қорамол эгаларининг йил давомида соғин сигири бўлмаган.

деҳқон хўжаликларида сут соғиш маҳсулдорлиги анча паст – ўртача битта сигир бир йилда қарийб 900 килограмм сут беради. Фермерлар уй хўжаликларида ўртача сут соғиш деҳқон уй хўжаликларига қараганда анча кўп. Бу фермерларнинг ўз молларини озуқа билан таъминлаш имконияти юқорилиги билан боғлиқ бўлса керак.

қиёсий таҳлил қорамол парвариш қилишдан олинадиган даромад ва сут соғиш самарадорлиги кўрсаткичлари қуйидаги икки гуруҳ кўрсаткичларга ижобий боғлиқ эканини кўрсатди:

1. Чорва моллари сони (яъни, “кўламдорликдан тежаш” – пода қанча катта бўлса, ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳам шунча юқори).

2. қишлоқ хўжалик техникасининг мавжудлиги.

қорамолларга эга ўртача уй хўжаликлари йил давомида 500 минг сўмлик чорва маҳсулотларини ишлаб чиқаради. сут ва сут маҳсулотлари асосан бундай уй хўжаликларининг 88 фоизида, гўшт ва гўшт маҳсулотлари эса 8 фоизида ишлаб чиқарилади. Ўртача битта оила бир йилда 1300 литр сут ва

315

килограмм гўшт етиштиради. Бу пул билан ифодаланганда 0,4 ва 1,1 миллион сўмни ташкил қилади.

Бир бош қорамол учун ўртача пул харажати бир йилда атиги 132 минг сўмни ташкил этади. сарф-харажатлар тузилмасида озуқа сотиб олиш учун кетадиган

харажатлар катта – қорамол боқиш учун сарфланадиган йирик харажатнинг 77 фоизи. яна бир кўзга кўринарли сарф-харажат моддасини қорамоллар сақланадиган биноларни таъмирлаш (10%) ташкил қилади. Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ҳам катта (асосан чўпонларга), бироқ қорамолларга эга уй

хўжаликларининг атиги 14 фоизигина чўпонларга ҳақ тўлайди.

уй хўжаликлари етиштирадиган сут ва сут маҳсулотлари асосан оилада истеъмол қилинади, гўшт маҳсулотларининг катта қисми эса сотилади.

Чорва маҳсулотларини сотадиган уй хўжаликларида ўртача истеъмол ишлаб чиқарилган маҳсулот умумий ҳажмининг 63 фоизини ташкил қилади. Битта оила бир йилда ўртача қарийб 840 литр сут ва 260 килограмм гўшт истеъмол қилади.

қорамолларга эга уй хўжаликларининг тахминан ярми (49 фоиз) чорва маҳсулотларини сотади: 30 фоизи сут, 24 фоизи молларни сўйиш учун, 7 фоизи

гўшт ва гўшт маҳсулотлари сотган. уй хўжаликлари ўртача бир йилда қарийб

1,5 минг литр сўт маҳсулоти, 300 килограмм гўшт яъни 1,7 бош молни сўйиш учун сотади. Аҳолининг чорвачиликдан оладиган даромади унчалик катта эмас ва йилига ўртача 600 минг сўмдан кўпроқ маблағни: сўт сотишдан 400 минг, сўйиш учун мол сотишдан 720 минг сўмни ташкил қилади. Бу борада гўшт сотиш билан шуғулланадиган уй хўжаликлари катта даромад олади (1,1 миллион сўм), аммо, бундай уй хўжаликлари унчалик кўп эмас.

2.3. Фермер хўжаликлари

умумий тавсиф. сўровда қатнашган фермер хўжаликларининг қарийб ярми (47 фоизи) 2001 йилда ташкил топган бўлса, 28,5 фоизи 2002-2004, 24,5 фоизи

2005-2006 йиллардан бошлаб фаолият кўрсата бошлаган. тадқиқот ўтказилган

аксарият уй хўжаликлари (61 фоизи) ҳокимликка фермер хўжалигини юритиш

учун ер ажратиш ҳақида мурожаат қилган фермерлар ташаббуси билан ташкил

этилган. қолган 39 фоизи ўз участкаларига ҳокимлик томонидан ширкат

Фермер ўрта ёшдаги (ўртача 46 ёш, фермерларнинг 53 фоизи 45 ёшдан

катта), олий (44 фоиз) ёки ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотиغا эга (34 фоиз)

эркак кишидир (2.9-жадвал). Фермер хўжалигини ўз номига расмийлаштирган

аксарият фермерлар хўжалигини ўзлари юритади. Бироқ, фермерларнинг

10,5 фоизи хўжаликнинг расмий эгаси ҳисобланмайди, уларнинг участкалари оиланинг бошқа аъзоси номига расмийлаштирилган. участкаси бошқа одамнинг номига расмийлаштирилган фермерлар орасида аёллар улуши номуносиб равишда катта (11 фоиз). Бу ишларни деярли аёл бошқарадиган фермер хўжаликларининг бир қисми юридик жиҳатдан эркак кишининг номига расмийлаштирилган. шу тариқа, амалда фермер аёллар улуши 7 фоиз эмас, балки қарийб 10 фоизни ташкил қилади.

сўровда қатнашган фермерларнинг тахминан ярми (фермер хўжалигини участка кимнинг номига расмийлаштирилганидан қатъий назар юритаётган) қишлоқ хўжалиги маълумотига, 27 фоизи олий маълумотга, 19 фоизи ўрта касб-

ҳунар маълумотига эга. Фермерлар қишлоқ хўжалик соҳасида ишлаш бўйича катта малакага эга: 84 фоизи 5, 64 фоизи 10 йилдан ортиқ.. Фермерларнинг атиги 4 фоизи қишлоқ хўжалиги билан камида 2 йилдан буён шуғулланади. Чорва молларининг кўпчилиги (нафақат қорамол, балки бошқа моллар) асосан чорвачилик сифатида рўйхатга олинган хўжаликларда парвариш қилинади, зироатчи фермерларнинг 2 фоиздан ортиғи чорва моллари боқади.

улар орасида қорамоллар кўп. Битта чорвачилик хўжалигида ўртача 54-55 бош

қорамол, жумладан, 20,5 бош соғин сигир бор. зироатчиликка ихтисослашган

хўжаликлар кўпроқ буқаларни сотиш учун боқиш билан шуғулланади. Битта қорамолнинг ўртача нархи қарийб 450, соғин сигир нархи 525 минг сўмни ташкил қилади. зироатчи-фермерларнинг 1 фоиздан ками ва чорвадорларнинг 50 фоизи қўй боқади.

қорамол парвариш қилаётган фермерларнинг ҳаммаси ҳам ўз озуқа базасига эга эмас – уларнинг 70 фоизи ўз участкасида озуқа етиштиради ва 50 фоизи яйловга эга. шу сабабли сўровда иштирок этганларнинг 91 фоизи ўз моллари учун қўшимча озуқа сотиб олади. Бундан ташқари, фермерларнинг 10 фоизи ўз

молини жамоат яйловларида боқиш имконига эга, 42 фоизи озуқа йиғиш билан шуғулланади (ўт ўради, озиқ-овқат чиқиндилари йиғади ва ҳоказолар), 11 фоизи

молларини йўл ёқаларида, ариқлар бўйлари ва бошқа жойларда боқади. Фермер

участкаларидаги мавжуд озуқа тузилмасида пичанбоп ўтлар ва маккажўхори улуши катта, бу ўсимликларни фермерларнинг кўпчилиги етиштиради ҳамда улар фермер хўжаликларида етиштирилган озуқа экинларининг қарийб 80 фоизини ташкил қилади.

ҳосилдорлик ва маҳсулдорлик. Фермер хўжаликлари самарадорлигини, айниқса, деҳқон хўжаликларига қараганда юқори деб бўлмайди. Асосий экинлар ҳисобланган пахта ва ғалла ҳосилдорлиги тадқиқот ўтказилган барча

худудларда паст. Фермер хўжаликлари бошқа экинлар ҳосилдорлиги бўйича деҳқон хўжаликларидан ортда қолмоқда.

тадқиқот давомида олинган қиёсий таҳлил буғдой ҳосилдорлиги кўрсаткичи қуйидаги кўрсаткичларга бевосита боғлиқ эканини аниқлади:

1. Фермер хўжалигининг кўлами (иш билан бандлар сони, жорий харажатлар миқдори, жумладан, ўғит ва кимёвий препаратлар учун).
2. қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминланганлик.
3. Фермер хўжалиги раҳбарининг қишлоқ хўжалик соҳасида маълумотга эгалиги.
4. Фермер хўжалигининг ёши.
5. Паррандачилик хўжалигининг кўлами (айниқса, чорвадор-фермерларнинг ўзаро боғлиқлиги).

шу билан бирга, буғдой ҳосилдорлиги кўрсаткичларининг пахта экиладиган ер улуши билан ижобий боғлиқлиги ва буғдой экиладиган ерлар билан салбий

боғлиқлиги аниқланди. Бундан кўриниб турибдики, бу ерда ҳам 1.5-бўлимда баён

этилган ҳолат кузатилмоқда, яъни, режа топшириқларини бажариш зарурати маҳаллий ҳокимият органларини ҳосилдорлиги юқори бўлган экинларга зид равишда ҳосилдорлиги паст экинлар экиладиган ерларни кенгайтиришга

мажбур қилмоқда. Бошқача айтганда, буғдой юқори ҳосил беришига қарамай

уни экиш учун ер майдони камайтирилиб, шу тариқа қолган ерлар пахта учун бўшатиб берилмоқда. ресурсларни бозор шароитига қараб тақсимлашда бунинг

акси бўлиши ҳам мумкин: буғдойдан юқори ҳосил оладиган хўжаликлар ушбу

экин учун кўпроқ ер ажратишга ҳаракат қилган бўларди.

Пахта ва буғдой ҳосилдорлиги омиллари учун ижобий боғлиқлик

кўрсаткичлари деярли бир-бирига мос келади:

1. Фермер хўжалигининг кўлами (иш билан бандлар сони, жорий харажатлар миқдори, жумладан, ўғит ва кимёвий препаратлар учун).
2. қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминланганлик.
3. Фермер хўжалиги раҳбарининг қишлоқ хўжалик соҳасида маълумотга эгалиги.
4. Фермер хўжалигининг ёши.

Фермер хўжаликларида сут берадиган моллар маҳсулдорлиги ниҳоятда

паст, гарчи деҳқон хўжаликларига қараганда юқорироқ – битта соғин сигир

бир йилда 1150 литрга яқин сут беради. қиёсий таҳлил қорамол парвариш қилиш ва сут соғиш самарадорлигига

таъсир кўрсатадиган омилларни аниқлаш имконини берди (2.16-жадвал).

таъкидлаш керакки, гўшт ва сут ишлаб чиқаришга ихтисослашган чорвачилик

самарадорлиги авваламбор, фойдаланилаётган ер участкаси кўлами ва

пода сони, қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминланганлик, замонавий технологиялардан фойдаланишга боғлиқдир. Бу йирик чорвачилик хўжаликлари

кичкина хўжаликларга нисбатан устунликка эга эканини англатади.

маҳсулот ва уни сотиш. 2006 йилда зироатчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари етиштирган маҳсулотнинг умумий ҳажми ўртача 15 миллион сўмни ташкил қилди. зироатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича ҳудудий табақалашув мавжуд. ушбу табақалашув нафақат ишлаб чиқариш ҳажмидаги, балки, маҳаллий бозорлардаги нархлар ўртасидаги тафовут билан

боғлиқ. Фермерлар етиштираётган ўсимлик маҳсулотларининг асосий қисми сотиш учун мўлжалланган – тадқиқот ўтказилган ҳудудларда шахсий истеъмол

учун ушбу маҳсулотларнинг камида ўртача 10 фоизи ишлатилади.

Фермерлар чорва маҳсулотларининг асосий қисми (сут ва сут маҳсулотлари, гўшт ва гўшт маҳсулотлари)ни ҳам сотади, аммо, ушбу маҳсулотларнинг шахсий истеъмол миқдори анча юқори бўлиб, 18 фоизни ташкил этади. Ўртача

истеъмол қилиш миқдори 860 минг сўм. 2006 йилда сўровда қатнашган фермер

хўжаликлари сотган чорва маҳсулотларининг ўртача миқдори 13 миллион сўмдан ортди.

қаймоғи олинмаган сүт тўлиқ сотилади. ушбу маҳсулотни йилига ўртача сотиш миқдори 22 тонна ёки камида 5 миллион сўмни ташкил қилади. қайта ишланган сүт маҳсулотларини чорвадор-фермерларнинг атиги 5 фоизи сотади.

сўровда қатнашганларнинг қарийб ярми чорва моллари ва гўшт сотган. тирик вазнда сотилган моллар йилига 9 тоннани ташкил этади, гўшт сотиш миқдори 1,5-2 баравар кам.

тадқиқот ўтказилган фермер хўжаликларининг аксарияти фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланади. уларнинг бор-йўғи 8,3 фоизи бу маҳсулотларни қайта ишлайди, жумладан, 7,2 фоизи ўз хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлайди, фермерларнинг қолган 1,1 фоизи эса кейинчалик мустақил қайта ишлаш учун маҳсулот сотиб олган. Чорвадор-фермерларнинг 15,3, зироатчи-фермерларнинг 1,7 фоизи ўзи етиштирган ҳамда сотиб олган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайди. Хўжаликларда асосан сүт (86,6 фоиз), гўшт (20,9 фоиз), ўсимлик маҳсулотлари (10,5 фоиз), жун (6 фоиз) қайта ишланади.

Айрим фермерлар қайта ишлашдан ташқари даромад олиш мақсадида бошқа фаолият турлари билан ҳам шуғулланади. қишлоқ хўжалик техникасини

ижарага бериш, механизациялашган дала ишларини бажариш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиш бўйича транспорт хизматларини кўрсатиш

энг кенг тарқалган фаолият турларидан ҳисобланади.

Фермерлар маҳсулотларининг асосий харидори давлат ташкилотлари ҳисобланади. Фермерлар пахта, ғалланинг катта қисми ва пиллани давлат харид ташкилотларига шартномага биноан сотишади. улар режадагидан ортиқ етиштирилган буғдойни бозорда сотиш ҳуқуқига эга, аммо, тадқиқот натижаларига кўра, бундай фермерлар унчалик кўп эмас. одатда, ортиқча буғдойни оила эҳтиёжлари учун қолдиради. Фермерлар бошқа ўсимлик ва чорва маҳсулотларини аксарият ҳолларда эркин бозорда сотиш ҳуқуқига эга. Бироқ, уларнинг кўпчилиги бу маҳсулотларни бюджет ташкилотларига (мактаблар, шифохоналар ва ҳоказо) сотишни маъқул кўради. Чорвачилик секторида ҳам худди шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Чорва молларини парвариш қилаётган фермерларнинг қарийб 20 фоизи давлат буюртмаси бўлмаса-да, чорва маҳсулотларини давлат бюджети томонидан молиялаштириладиган ташкилотларга (шифохоналар, болалар боғчалари, мактаблар, фахрийлар уйлари ва ҳоказо) сотишга ҳаракат қилишади. Маҳсулотларни сотишнинг яна бир муҳим йўли бозор ҳисобланади. Фермерлар ўз маҳсулотларини камдан-кам ҳолларда улгуржи воситачилар, хусусий харид фирмаларига сотади. Бу эса сотиш инфратузилмасининг ривожланмаганидан далолатдир. сўровда қатнашган фермерларнинг деярли ҳаммаси қишлоқ хўжалик

маҳсулотларини сотишда қийинчиликларга дуч келмоқда (2.17-жадвалга қаранг).

даромад ва харажатлар. тадқиқот ўтказилган фермер хўжаликлари

ҳар бирининг ялпи даромади 2006 йилда ўртача қарийб 18 миллион сўмни

ташkil этди. Аммо, фермерларнинг тахминан 70 фоизининг ўртача даромади

ушбу кўрсаткичдан кам. Чорвачилик хўжаликларининг даромади бошқа

фермерларникига қараганда 1,6 баравар кўп (14 миллионга нисбатан 22

миллион сўм). тадқиқот натижалари фермер хўжаликларининг даромади ва

уларнинг раҳбарларининг қишлоқ хўжалик маълумотига эгаллиги ўртасида

яқин боғлиқлик борлигини кўрсатади: олий маълумотга эга бўлганларнинг

даромади ўрта маълумотга эга бўлганларнинг даромадидан 1,5, қишлоқ

хўжалик маълумотига эга бўлмаганлардан 1,7 баравар кўпдир.

Фермерлар ихтисослашуvidан қатъий назар, асосий даромадни пахта

етиштиришдан олади. Бу борада, ҳатто, пахта экилган далалар 30 фоиздан

ошмайдиган ихтисослашган чорвачилик хўжаликларида пахта сотишдан

тушган даромаднинг катта қисмини ташkil қилади. Пахта ва ғалладан ташқари,

сут, гўшт ва сўйиш учун семиртирилган моллар, шунингдек, озуқа экинлари,

биринчи навбатда, пичанбоп ўтлар чорвадор-фермерлар даромадининг асосий

манбалари ҳисобланади. Фермерлар сотаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

турлари ғоят камлигини ҳам таъкидлаш жоиз. сўровда қатнашган чорвадорлар

ўртача 4,4 турдаги, зироатчилар атиги 2,2 турдаги маҳсулот сотган.

Ўзбекистонда чорвачилик

тармоғининг бугунги аҳволи ва

самарадорлик омиллари¹

Ушбу бўлимда мамлакатда чорвачиликни ривожлантиришнинг асо-

сий масалалари кўриб чиқилиб, қорамол парвариш қилиш сектори самара-

дорлигининг асосий омиллари таҳлил қилинган, шунингдек, тармоқ ишларини

янада яхшилашга доир тавсиялар таклиф этилган. Бўлим асосан расмий

статистика маълумотлари, 2007 йилнинг сентябрида фермер ва деҳқон хў-

жаликлари вакиллари ўртасида ўтказилган сўров материалларига асосланган.

3.1. чорвачиликнинг аҳволи

роли ва хусусиятлари. Чорвачилик – Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг

етакчи тармоқларидан бири, мамлакатда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг тахминан 45 фоизи унинг улушига тўғри келади. тармоқнинг асосий хусусияти шундаки, чорва маҳсулотларининг катта қисми шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқарилади. уларга тегишли ер участкаларининг ўртача ҳажми 0,15 гектарни ташкил қилади. қорамолларнинг

93 фоизи деҳқон хўжаликлари улушига тўғри келади²

. 2007 йилнинг сен -

тябрида деҳқон ва фермер хўжаликлари вакиллари ўртасида ўтказилган сўров

қорамол боқаётган ўртача деҳқон хўжалиги³

2,8 бош қорамолга, жумладан,

1,1 бош сигирга (фермерлар уй хўжаликларида ушбу кўрсаткичлар тегишли

равишда 4,4 ва 1,8 бош) эга эканини кўрсатди. Бунда қорамол парвариш

қилиш билан шуғулланаётган ўртача фермер хўжаликларида тахминан 55 бош

қорамол, жумладан, 21 бош сигир бор⁴

.

1991 йилдан бошлаб мамлакатда қорамол сони қарийб 1,5 баравар⁵

кўпайди

ва бу Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳажмида чорва маҳсу-

лотлари улушининг ошишига таъсир кўрсатди. Бу кўрсаткич 80 йиллардаги 30-35 фоиздан 1997 йилдан кейин 45-50 фоизга ўсди (иловининг 1-жадвали).

Бу юксалиш Мдхда асосий чорва маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар саналган

россия, украина, Беларусь, қозоғистон ва қирғизистон каби мамлакатлар

бўйича шундай маълумотлар билан таққосланганда янада яққолроқ

намоён бўлади. 1990-2006 йилларда ушбу мамлакатларда қишлоқ хўжалик

маҳсулотларида чорваликнинг улуши 55-60 фоиздан 45 фоизга камайган

.

Чорвачиликнинг асосий маҳсулоти – сут ва гўшт ишлаб чиқаришнинг

ўсиши жамиятни ривожлантириш учун муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эгадир. негаки, бу маҳсулотлар асосий озиқ-овқат гуруҳига киради ва қишлоқ

аҳолиси даромадининг муҳим манбаидир, соҳа муваффақиятли ривож ланганида эса экспортбоп товарлар ҳажми кўпаяди.

2007 йилнинг сентябрида деҳқон ва фермер хўжаликлари вакиллари

ўртасида ўтказилган сўров натижалари чорвачилик, айниқса, қорамол парвариш

қилиш тармоғининг қишлоқ аҳолиси оилаларининг фаровонлигига жиддий

ижобий таъсир қилишини кўрсатди. Чорвачиликни ривожлантириш чорва

молларининг асосий қисми парвариш қилинаётган шахсий ёрдамчи ва деҳқон

хўжаликларига эга оилаларга ғоят самарали таъсир кўрсатади. 3.1-жадвалда келтирилган маълумотлар деҳқон хўжаликларининг фаровонлик даражаси (битта оила аъзосининг ўртача даромади билан ва сўров иштирокчиларининг ўз моддий аҳволини субъектив баҳолашида ифодаланган) экин майдонлари кўлами ва чорва моллари сонига бевосита боғлиқ эканлигини намоён этади.

Чорвачилик самарадорлиги ҳам оилалар даромади учун янада катта аҳамиятга эга. даромади паст ва юқори бўлган гуруҳлар ўртача вакиллари парвариш қилаётган чорва моллари сонига фарқ унчалик катта бўлмаса-да, чорва моллари сифатини ифода этувчи кўрсаткичлар бўйича фарқ анча сезиларлидир. Масалан, жон бошига даромади юқори бўлган оилаларда қорамоллар ўртача подаси сони даромади паст оилалардаги пода сонидан 1,4 марта кўп, ушбу моллар нархи эса 2, қорамол маҳсулоти нархи эса 2,8 баравар ортиқ.. даромади юқори оилаларда битта сигирдан соғиб олинадиган

сут 1,2 баравар кўпдир. Бошқача айтганда, деҳқон оилалари фаровонлиги фойдаланилаётган ер участкаси катта-кичиклиги эмас, балки муайян даражада

чорва моллари сифати ва уларни парвариш қилишга ҳам боғлиқдир.

шунингдек, қорамол парвариш қилиш сектори деҳқон хўжаликларида

чорвачиликнинг ривожланган соҳаси ҳисобланади. 3.1-жадвалда деҳқонлар

томонидан ишлаб чиқарилган чорва маҳсулотларининг тахминан 73 фоизи

уларнинг улушига тўғри келиши акс этган.

яна шунини таъкидлаш керакки, чорвачилик деҳқон хўжаликларида оилада маблағ жамғариш ва уни кўпайтиришдек ўзига хос вазифани бажаради.

Ўзбекистонда аҳоли ҳозирча жамғарилган маблағларни фойдали банк омонатлари ва қимматли қоғозларга сарфлаш каби хизматлардан кенг фойдаланмайди. Бу, айниқса, молиявий инфратузилмадан кенг фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган қишлоқ аҳолисига тааллуқлидир. улар учун чорва молларини сотиб олиш ва парвариш қилиш ўз маблағларини сарфлаш ва кўпайтириш услубларидан биридир.

тармоқдаги ислохотлар ва уни ривожлантиришга оид давлат сиёсати.

сўнгги йилларда чорвачиликда мамлакатда хўжалик юритишнинг маъмурий-бўйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишга қаратилган чуқур ижтимоий-иқтисодий ислохотлар амалга оширилгани туфайли кенг кўламли ташкилий ўзгаришлар рўй берди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошланган рентабеллиги паст қишлоқ хўжалик корхоналари – совхоз ва колхозларни қайта ташкил этиш жараёни чорвачиликка муайян даражада таъсир кўрсатди. негаки, қорамол парвариш қилаётган фермалар асосан йирик пахтачилик хўжаликларида жойлашган эди. совхоз ва колхозлар, кейинчалик ширкатлар негизида шахсий

қорамолига эга чорвачилик фермер хўжаликлари, шунингдек, жамоавий

мулкчилик шаклидаги ихтисослашган чорвачилик фермалари ташкил этилди.

қишлоқ хўжалигида фаолият юритишнинг янги ташкилий-ҳуқуқий

шаклининг ташкил топиш даврида ҳукумат чорвачиликда фермерлик ва

деҳқончилик ҳаракатини кенг қўллаб-қувватлади. Аҳолига қорамол сотиб

олиш учун имтиёзли кредитлар, хўжалик ва озуқа ишлаб чиқаришни ташкил

этиш учун ер участкалари ажратилди: чорва маҳсулотларига давлат буюртмаси

бекор қилинди, наслчилик ишлари ривожланган хорижий мамлакатлардан

наслдор моллар сотиб олинди, омукта ем ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилди.

Ўзбекистон республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартда қабул

қилинган “шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни

кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 308-қарори

чорвачиликни ривожлантиришда муҳим омил бўлди. ушбу ҳужжатда давлат

томонидан фермерларга зотдор молларни сотиб олиш ва наслчилик ишини

жадаллаштиришда ёрдам бериш, ветеринария хизмат кўрсатишни ташкил этиш,

аҳолининг маҳсулдор чорва молларини сотиб олиши учун микрокредитлар

ажратиш, қишлоқ аҳолисининг чорва молларини парвариш қилишдан

манфаатдорлигини ошириш орқали уларнинг бандлигини, даромадини, озиқ-

овқат маҳсулотлари билан таъминланишини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

қарорда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, биринчи навбатда, қорамол боқиш ва етиштириш, шу асосда қишлоқ аҳолисининг бандлик даражасини ва оилалар даромадини оширишнинг мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаётгани, чорва молларини боқаётган шахсларни иш билан банд аҳоли тоифасига киритиш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари ҳал этилмагани, хўжаликларни

зотдор, сермахсул чорва моллари билан, омукта ем ва ширали озукa билан таъминлаш борасидаги ишлар қониқарсиз аҳволда, зооветеринария ва бошқа

сервис хизматлари кўрсатиш бўйича инфратузилма тармоғи, шунингдек, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорвачиликни ривожлантиришни микрокредитлаш тизими яхши йўлга қўйилмагани қайд этилган.

ҳужжатда қуйидаги мақсадларни кўзда тутувчи 2006-2010 йиллар даврида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари, биринчи навбатда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастури маъқулланди:

- чорва маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан банд деҳқон ва фермер хўжаликлари сонини кўпайтириш;

- чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш;

- даромад даражасини оширишда қишлоқ аҳолиси имкониятларини кенгай-

тириш. ушбу мақсадларга эришиш учун қуйидаги чоралар назарда тутилди:

- қишлоқ аҳолисининг шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларида чорвачилик ишлаб чиқаришидаги иштироки энди давлат томонидан пенсия билан таъминлаш ҳуқуқига эга бандлик сифатида кўриб чиқилади. Бу қоида чорва маҳсулотлари сотилиши ёки оилада истеъмол қилинишидан қатъий назар қўлланилади.

- шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорва моллари, шу жумладан, қишлоқ жойлардаги кам таъминланган ва кўп болали оилаларга бепул қорамол

бериш орқали кўпайтиришни рағбатлантириш. Буларнинг барчаси деҳқон хўжаликларида қорамоллар сонининг 2005 йилдаги 6 миллион бошдан 2010 йил охирида 8,5 миллион бошгача кўпайишига ёрдам бериши лозим.

- Фермер хўжаликларида қорамоллар сонини 2005 йилдаги 330 минг бошдан 2010 йилда 660 минг бошга кўпайтириш борасида рағбатлантириш, ихтисослашган чорвачилик хўжаликлари сонини 2005 йилдаги 8 мингтадан 2010 йилда 11 мингтага кўпайтириш. Фермер хўжаликларининг қорамоллар умумий сонидagi улуши 2005 йилдаги 5 фоиз ўрнига 2010 йилда тахминан 7,5

фоизга ошиши лозим¹

- Хизмат кўрсатиш пунктлари тармоғини кенгайтириш ҳисобидан

ветеринария хизматлари ва сунъий қочириш хизматларидан фойдаланишни яхшилаш.

- шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига зотдор молларни сотиш бўйича кимошди савдоларини ташкил этиш. дастурда 2006-2010 йилларда 100

минг бош зотдор молни сотиш кўзда тутилган.

- қорамол сотиб олишни енгиллаштириш учун ёрдамчи ва деҳқон

хўжаликларини микрокредитлаш имкониятларини кенгайтириш. 2006-2010

йилларда ушбу мақсадларга 158 миллиард сўм йўналтириш, уларнинг 80 фоизи

тижорат банклари орқали берилиши (имтиёзли фоизли ставкалар ва тақдим этишнинг соддалаштириш тартиби бўйича) кўзда тутилди²

.

- шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларининг омўхта емдан фойдаланиши, жумладан, мамлакатда омўхта ем билан савдо қиладиган шохобчалар сонини

етти бараварга, яъни, 2005 йилдаги 113 та ўрнига 2010 йилда 773 тага

кўпайтириш орқали яхшилаш. ем ишлаб чиқарувчи корхоналар ғаллани

бевосита фермерлардан (давлат томонидан етказиб бериш каналлари бўйича

эмас) сотиб олиш имконига эга бўлиши кўзда тутилди.

- 2010 йилгача бўлган даврда наслчилик корхоналари ва хўжаликлари

наслчиликни ривожлантириш учун республикага олиб келинадиган наслчилик

материаллари, технология ва ёрдамчи ускуналарга бож тўловларидан (божхона

расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно) озод қилинди. Чорвачиликни ривожлантириш стратегияси Ўзбекистон республикаси Пре-

зи дентининг 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган “шахсий ёрдамчи, деҳқон

ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни

кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш

борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” 842-қарорида аниқланди

ва тўлдирилди. қарорда ушбу мақсадларга қаратилган муҳим чора-тадбирлар

қайд этилган:

- тижорат банкларининг шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қорамол

сотиб олиш учун микрокредитлар ажратиш жараёнини фаоллаштириш;

- чорва молларни сунъий қочириш амалиётини жорий этиш ва кенгайтириш;

- озуқа экинлари экиш учун ажратилган ерлардан фойдаланишни тартибга

солиш;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига лизинг асосида хашак ўриш техникасини тақдим этишни рағбатлантириш;
- омухта ем саноатини модернизация қилиш ва унинг хомашёдан фойда ланишини яхшилаш;
- чорва моллари учун озуқа сотиш бўйича ихтисослашган пунктлар тармоғини кенгайтириш ва уларни оқилона жойлаштириш;
- зооветеринария пунктларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусу сийлаштириш орқали уларнинг ишларини тижоратлаштириш;
- «Ўзнаслхизмат» республика корхонасининг ишлаб чиқариш қувватини модернизация қилиш;
- буқаларнинг чуқур музлатилган уруғларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- чорвачилик хўжаликларига наслчилик иши бўйича сервис хизмати кўрсатиш, зотдор молларни сотиш, чорва молларини сунъий қочириш бўйича илғор технологияларни жорий этишни такомиллаштириш.

Бундан ташқари, ушбу Фармонга мувофиқ 2012 йилнинг 1 январигача

фермер хўжаликлари ва чорвачилик фермалари — чорвачилик маҳсулотларини,

жумладан, қайта ишланган маҳсулотларни сотишдан тушган тушумдан дав-

латнинг мақсадли жамғармалари ҳамда Мактаб таълими жамғармасига маж-

бўрий ажратмалар тўлашдан озод қилинди.

тармоқнинг жорий аҳволи. 2008 йилнинг бошида республикада қарийб 10 мингта чорвачилик фермер хўжалиги ва масъулияти чекланган жамият шаклидаги 148 та чорвачилик корхонаси фаолият кўрсатди. Барча тоифадаги хўжаликларда қорамоллар сони 2007 йилнинг охирида 7,5 миллион бош, жумладан сигирлар 3,1, қўй ва эчкилар сони 12,6 миллион бошни ташкил қилди. 2007 йилда тирик вазнда 1,2 миллион тонна гўшт, 5,1 миллион тонна сут, 22,5 минг тонна жун ишлаб чиқарилди¹

.

ҳудудлар бўйича чорвачилик секторида чорва моллари сони ва маҳсулот ишлаб чиқариш тўғрисидаги маълумотлар 3,1-3,2-расмлар ва 3,2-жадвалда келтирилган.

гўшт ва сут ишлаб чиқаришнинг катта қисми самарқанд, тошкент ва қашқадарё вилоятлари улушига тўғри келади. Буни ушбу ҳудудларда аҳоли сонининг кўплиги, табиий яйловлар (лилмикор ерлар, дашт) ва тоғолди туманларда яйловлар мавжудлиги билан изоҳлаш мумкин. Бу вилоятларда гўшт-

сут етиштириш, қолган вилоятларда асосан сут етиштириш ривожланган.

қўй-эчкиларни парвариш қилиш кўпроқ қашқадарё, навоий, самарқанд ва сурхондарё вилоятларида кенг тарқалган (3,2-расм).

Чорвачилик тармоғи маҳсулдорлигини баҳолаш Ўзбекистонда уни

ривожлантиришни ҳисобга оладиган ягона кўрсаткичларнинг йўқлиги туфайли

бироз қийин бўлди. сут соғиш бўйича расмий маълумотларга қараганда, мустақиллик йилларида ушбу маълумотлар деярли ўзгаргани йўқ. Бироқ, ушбу

даврда бир пайтнинг ўзида қорамол сони (46 фоиз) кўпайди ва яйловлар (қарийб

40 фоиз) ҳамда озуқа экинлари майдони (70 фоиздан ортиқ) қисқарди. яйловлар

ва озуқа экинлари майдони қисқарганига қарамай, гўшт ва сут ишлаб чиқариш

қорамол сони билан мутаносиб равишда ўсди (3,3-расм). яъни, бу борада чорвачилик учун мўлжалланган ерлардан фойдаланиш самарадорлиги ошгани

ҳақида гапириш мумкин. Аммо, чорвачилик маҳсулдорлигини баҳолашда яна

бир бошқа муаммо – деҳқон хўжаликларида сут соғиб олиш ҳақидаги ишончли

статистика маълумотлари йўқлиги сабабли қатъий хулоса чиқариб бўлмайди

(батафсил 1,4-бўлимга қаранг). негаки, бу кўрсаткичлар фермер ва деҳқон

хўжаликлари вакиллари ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, муайян

даражада (қарийб икки баравар) ошириб кўрсатилган.

ҳар ҳолда, расмий маълумотларга ёки фермер ва деҳқон хўжаликлари вакиллари ўртасида ўтказилган сўров натижаларига таянамиз, чорвачилик жумладан, қорамол парвариш қилиш тармоғи маҳсулдорлиги ҳозирча паст даражада. Бунини, хусусан, Ўзбекистон ва бошқа мамлакатларда сўт соғиб олиш кўрсаткичларини таққослаш ҳам тасдиқлайди (3.3-жадвал). Бунда Ўзбекистондаги кўрсаткичлар нафақат сўт маҳсулотларининг етакчи ишлаб чиқарувчилари бўлган мамлакатлар, балки, собиқ иттифоқдаги бошқа кўплаб давлатларга қараганда ҳам анча паст.

Чорвачилик тармоғи маҳсулдорлиги кўрсаткичларининг пастлиги унга ўз ижтимоий вазифасини тўлиқ амалга ошириш имконини бермайди. Чорва маҳсулотлари экспорти билан боғлиқ иқтисодий салоҳият ҳақида эса гапирмаса

ҳам бўлади. 2006 йилда республика бўйича аҳоли жон бошига гўшт ва сўт ишлаб

чиқариш (истеъмол қилиш) кўрсаткичлари 1995 йилги даражада сақланиб қолди. 2006 йилда аҳоли жон бошига гўшт ишлаб чиқариш 22,9 килограмм ва сўт ишлаб чиқариш 181 килограмми ташкил қилди. Бу белгиланган овқатланиш

нормасидан анча кам (тегишли равишда 65 ва 260 килограмм)¹

.

республикада қорамол парвариш қилиш тармоғи самарадорлигининг

нисбатан пастлигининг сабаби нимада? ушбу саволга жавоб бериш учун

сектор маҳсулдорлиги ва самарадорлигига таъсир қилувчи асосий омилларни

ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу борада статистика маълумотлари ва 2007

йилги фермер ҳамда деҳқон хўжаликлари вакиллари ўртасида ўтказилган

сўров натижаларининг таҳлили, шунингдек, экспертлар баҳоси ёрдам беради.

самарадорлик омилларини тушуниш эса, ўз навбатида, ушбу секторни

ривожлантириш учун нима қилиш кераклигини англаш имконини беради.

3.2. чорвачилик хўжалигини тижоратлаштириш ҳажми ва даражаси

Чорва моллари бош сони - самарадорлик омили. Чорва моллари сони

чорвачилик кўламининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. қорамоллар сонининг

чорвачилик самарадорлигига таъсири 3.4-жадвалда ўз ифодасини топган. Бунда

пода сони кўпайган сайин сут соғиб олиш миқдори, қорамол маҳсулоти нархи

ва хўжалик даромади ортиб бораётганини кўриш мумкин.

қорамол парвариш қилиш самарадорлиги кўрсаткичлари ва суғориладиган

ҳамда экин майдонлари, фермер хўжалиги кўлами ҳамда фермер хўжалигида

иш билан бандлар сонини ифода этувчи кўрсаткичлар ўртасида ҳам шундай

боғлиқлик бор2

.

Бошқача айтганда, чорвачилик хўжалигининг ҳажми қанчалик катта бўлса, у ўртача шунчалик маҳсулдордир. Бу боғлиқликни икки ҳолат билан изоҳлаш мумкин:

1. Пода қанчалик катта бўлса ва уни таъминлаш учун ресурслар кўп ажратилса, хўжалик қорамол парвариш қилиш секторида фаолият юритишга кўпроқ ихтисослашади. А.смит давридан буён маълум бўлганидек, ҳар қандай

ихтисослашув самарадорликнинг ортишига хизмат қилади. ихтисослашув танланган фаолият йўналишида такомиллашиш, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг самарали услублари ва технологияларни қўллаш имконини беради.

2. Пода қанчалик катта бўлса, “кўламдорликдан тежаш” ҳисобидан ўртача харажатларни камайтириш имконияти шунчалик кўп: подачи, чўпон ва бошқа ишчилар, бино, уни иситиш, ёритиш, озуқа ва ветеринария препаратларини сотиб олиш (ўлгуржи чегирмалар) ва ҳоказолар учун харажатлар. яъни, 10 бош

сигирни биргаликда парвариш қилиш уларни алоҳида парвариш қилишдан кўра

арзонроқ. Худди шундай, битта хўжаликда 200 бош сигирни парвариш қилиш

-

ҳар бирида 10 тадан сигири бўлган 20 та хўжаликдан кўра тежамлироқдир.

қорамол подаси сонини кўпайтириш омиллари. Чорвачилик хўжалиги-нинг катта-кичиклиги маҳсулдорлик учун муҳим аҳамият касб этиши сабабли фермер ва деҳқонларнинг қўшимча мол сотиб олишини рағбатлантириш, деҳқон хўжаликлари ўртасида, шунингдек, деҳқон ва фермер хўжаликлари ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантириш зарур. кооперация (чорва

молларини биргаликда сотиб олиш, парвариш қилиш, ускуна, озуқалар ва хизматларни биргаликда харид қилиш, маҳсулот сотиш ва бошқалар) унинг иштирокчиларига “кўламдорликдан тежаш” самарадорлиги ва тижорий мустақилликни сақлаган ҳолда ихтисослашишдан фойдаланиш имконини беради.

деҳқон ва фермер хўжаликлари вакиллари ўртасида ўтказилган сўров ушбу хўжаликларда қорамоллар сонининг кўпайишига тўсқинлик қилаётган асосий сабаблар: а)озуқа базасининг етишмаслиги; б) чорвачилик фаолиятини

юритиш учун ер етишмаслиги; в) чорва молларини сотиб олиш учун маблағ етишмаслиги ва бу, айниқса, деҳқон хўжаликлари учун ниҳоятда долзарб эканини кўрсатди (3.5-жадвал).

озуқа базаси муаммолари қуйида кўриб чиқилади (3.3-бўлим).

ер майдони ва молиявий ресурслар (бошланғич ва айланма капитал) тақчиллиги муаммоларига батафсил тўхталиб ўтиш лозим.

қишлоқ ишлаб чиқарувчилари чорвачиликни ривожлантириш учун ажра-

тиш ни истаган ернинг етишмаслиги икки асосий ҳолат билан боғлиқ:

1. ердан хўжаликлараро, жумладан, ер майдонларидан субижара учун
мав

жуд чекловлар билан боғлиқ сабаблар туфайли фойдаланилмаётгани.

Бу чекловлар ҳақида 1-бобда сўз юритилган эди. ушбу чекловлар сабабли

самарали қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари самарасиз
фойдаланилаётган

майдонлар ҳисобидан ўз ер участкаларини эркин кенгайтира олмапти. ҳол-

буки, қорамол парвариш қилишда юксак натижаларга эришаётган
хўжаликлар

ҳам ўз ўсишининг табиий чегарасига эга. Бу фойдаланилаётган ерни кен-

гайтириш имкони йўқлиги билан боғлиқдир. Бу, ўз навбатида, хўжалик

юри тишнинг самарасиз шакл ва услублари ўрнини самаралилари билан

алмаштиришни таъминлайдиган бозор механизмлари Ўзбекистоннинг аграр

секторида тегишли равишда етарли қўлланилмаётгани ва тармоқ аҳволига

салбий таъсир кўрсатаётганини англатади.

2. ердан хўжалик ичида фойдаланишда (фақат фермер хўжаликларига

тааллуқли) ерни пахта ва ғалла ишлаб чиқариш учун ихтисослаштириш ёки

мўлжаллаш бўйича мавжуд нормативлар билан боғлиқ маъмурий чекловлар-

нинг мавжудлиги. 1 ва 2-бобда қайд этилганидек, фермер ушбу иккита экин

учун ажратилган ердан бошқа мақсадлар, жумладан, чорва моллари парвариш

қи лиш учун эркин фойдалана олмайди. Аввал ўтказилган тадқиқотлар пахта ва

ғалла етиштириладиган ерларни квоталашдан (қатъий белгилаб беришдан) воз

кечиш фермерларга ўз ресурсларидан давлатга пахта ва дон етказиб беришни камайтирмаган ҳолда, оқилona фойдаланиш имкониятини яратади¹

. давлат

буюртмаси сақланиб қолган тақдирда ҳам ерларни квоталашни бекор қилиш ишлаб чиқарувчилар учун ҳам, давлат учун ҳам фойдали бўлар эди.

шундай қилиб, Ўзбекистонда чорвачиликни ривожлантириш истиқболлари бевосита ерга эгалик ҳуқуқи ва айрим стратегик қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда давлат назорати масалаларини ҳал этиш билан боғлиқдир.

Кредит ресурслари тақчиллигига келсак, ушбу муаммо кескинлигини юмшатиш учун микромолиялаш секторини ривожлантиришни рағбатлантириш,

авваламбор, фермер ва деҳқон хўжаликларининг банк микрокредитлари, жумладан, имтиёзли фоиз ставкалари бўйича олиш имкониятини кенгайтириш

зарур. негаки, эркин бозорда микромолиялаш ташкилотларининг фоиз
ставкаси

чорвадорлар учун ғоят юқори.

ердан фойдаланиш ҳуқуқини қайта сотиш имкониятига оид ҳуқуқий базани

такомиллаштириш, шунингдек, ушбу ҳуқуқлардан кредит олишда кафолат

сифатида фойдаланиш кредит ресурслари тақчиллиги муаммосини ҳал
этишга

ёрдам беради. гап шундаки, қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш
ҳуқуқини

берувчи қонуний бозор етарли даражада шаклланмаган бугунги кунда
қишлоқ

хўжалик ходимларининг ерни гаровга қўйиш орқали кредит олиш
имкониятлари

чекланган. Аграр секторни кредит билан таъминлашнинг айнан ушбу шакли

бутун дунёда кенг тарқалган.

Айни пайтда, хўжаликлар кўламини кенгайтириш муаммосининг яна бир

жиҳати – материал ресурслар ва хизматлардан фойдаланиш борасидаги

қийинчиликлар ҳам бор. Чорвадорлар учун озуқалар, биринчи навбатда,

омух та ем, шунингдек, зотдор чорва молларини сотиб олиш катта муаммо

ҳисобланади. талаб юқори бўлган, аммо, тўлиқ кўрсатилмаётган хизматлар

орасида маҳсулотни сақлаш ва қайта ишлаш хизматлари мавжуд. ресурслар

ва хизматларнинг муайян бозорининг йўқлиги вазиятни янада қийинлаштир-

моқда (3.6-жадвал).

Юқорида қайд этилганидек, сўнгги йилларда Ўзбекистон ҳукумати чорва моллари сонининг кўпайишини, жумладан, чорвачилик хўжаликлари кўламини

кенгайтириш орқали ҳар томонлама рағбатлантирмоқда. Бу вазифани, аввало,

қуйидагилар ҳисобидан ҳал қилиш режалаштирилмоқда:

- шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорвачилик билан шуғулла - наётган қишлоқ аҳолисига иш билан бандлик мақомини бериш;
- қишлоқ жойлардаги кам таъминланган ва кўп болали оилаларга бепул қорамол бериш;
- озуқалар, ветеринария ва чорвачилик тармоғи учун мўлжалланган бошқа хизматлардан фойдаланишни яхшилаш;
- ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларининг қорамол сотиб олишини енгиллаштириш учун имтиёзли микрокредитлаш имкониятини кенгайтириш. Бунда тижоратлашув даражаси оила фаровонлигига жиддий таъсир кўрсатишини эътиборга олиш зарур. сўт маҳсулоти сотадиган ва сотмайдиган хўжаликларда битта оила аъзоси учун ўртача даромад таққосланса, сўт сотадиган хўжаликлар юқори даромад олаётганини кўриш мумкин: ойига 40 мингга нисбатан 63 минг сўм. 3.8-жадвал маълумотлари деҳқон хўжалиги тижоратлашувининг унинг аъзолари моддий фаровонлигига таъсирини

батафсил таҳлил қилиш имконини беради.

киши бошига даромади 60 минг сўмдан юқори бўлган гуруҳдаги

уй хўжаликлари киши бошига даромади 30 минг сўмдан кам бўлган уй

хўжаликларига қараганда чорва маҳсулотларини (гарчи ишлаб чиқариш ҳажми

ўртасидаги фарқ атиги 2,3 бараварни ташкил қилса-да) 2.9 баравар кўп сотади.

даромади юқори бўлган гуруҳдаги уй хўжаликлари даромади паст бўлган

гуруҳга кирадиган уй хўжаликларига нисбатан қиймат ифодасида сут маҳ-

сулотини 2,2, гўшт маҳсулотларини 2,6 баравар кўп сотади. келтирилган

маълумотлар гўшт етиштиришга ихтисослашган хўжаликлар сут етиш-

тирадиган хўжаликларга қараганда кўпроқ товар хўжалиги ҳисобланишини

кўрсатади: гўшт сотадиган хўжаликлар ўртача сут сотадиган хўжаликлардан

кўра 4 баравар кўп маҳсулот сотади.

давлат деҳқон хўжаликлари тижоратлашувини нафақат уларнинг маҳсул-

дорлигини ошириш ва истеъмол бозорини бойитиш мақсадидан келиб чиқиб,

балки, қишлоқ жойларда турмуш даражасини янада юксалтириш механизми

сифатида рағбатлантириши лозим. Бунга деҳқон хўжаликларига чорва моллари

сонини кўпайтириш ва уларнинг маҳсулдорлигини яхшилашда ёрдам бериш

орқали эришиш мумкин.

3.8-жадвалда акс эттирилган маълумотлар тижоратлашмаган деҳқон хўжаликларини тижоратлаштириш учун баъзида чорва моллари сонини ўртача 30-60 фоиз ва маҳсулдорликни ўртача 40-50 фоиз ошириш зарурлигини тушуниш имконини беради. Чорва маҳсулотларини сотадиган ва сотмайдиган хўжаликлар

ўртасидаги фарқни айнан ушбу рақамларда кўриш мумкин. Бошқача айтганда,

баъзида чорвачилик деҳқон хўжалиги маҳсулдорлигини яна битта сигир сотиб

олиш ёки мавжуд сигирлардан сут соғиб олишни 1,5-2 бараварга кўпайтириш ҳисобидан жиддий ошириш мумкин (масалан, озуқа базаси ва моллар парваришини яхшилаш эвазига). Аммо, 3,4-расмда келтирилган маълумотлар товар ишлаб чиқармайдиган ва товар ишлаб чиқариш юқори бўлган (сут маҳсулотининг 75 фоиздан ортиғини сотадиган) хўжаликлар ўртасидаги тафовут катталигини кўрсатади: товар ишлаб чиқарадиган хўжаликлар товар ишлаб чиқармайдиган хўжаликларга қараганда қарийб 3,5 баравар кўп сут ишлаб чиқаради, яъни юқори маҳсулот ишлаб чиқарувчига айлантириш учун битта эмас, учта сигир сотиб олиш ёки сут соғишни кўпайтириш лозим.

чорва маҳсулотларини сотиш муаммолари. Чорва маҳсулотларини сотиш тизимини ривожлантириш ва бу борада тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш

чорвачиликни тижоратлаштиришнинг яна бир муҳим йўналишидир. Бундай тармоқнинг йўқлиги ва унинг ривожланмаганлиги соҳани тижоратлаштириш борасидаги барча саъй-ҳаракатлар беҳуда кетишига олиб келади. негаки, маҳсулот учун харидор топиш керак ва бунда маҳсулот ишлаб чиқарувчи кетган

сарф-харажатларни қоплаши ҳамда даромад олиши лозим.

ушбу соҳадаги жорий ишлар аҳволини деҳқон ва фермер хўжаликлари вакил-

ла ри ўртасида ўтказилган сўров натижаларига таянган ҳолда кўриб чиқамиз¹.

Чорва маҳсулотларини сотадиган аксарият деҳқонлар уларни бозорда (36 фоиз), қўшнилар ва танишларга (53 фоиз), олиб сотарларга (33 фоиз) сотади.

деҳқонлар кўпинча иккита сотиш каналидан фойдаланади: маҳсулотни қўш-ниларига сотадиганларнинг 26 фоизи уни бозорда ҳам сотади, 36 фоизи воситачиларга сотади. уй хўжаликлари бозорга маҳсулотни ўзи олиб чиқади.

олиб сотарлар ва таниш харидорлар, одатда, маҳсулотларни ўзи олиб кетади.

қўшнилар ва танишларга сотиш билан боғлиқлик транспорт ва бозорларда улгуржи савдо қилувчилар билан алоқанинг йўқлигидан далолатдир. деҳқон-

ларнинг бозор билан боғлиқ имкониятларини амалга ошириш ва улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар билан шаҳар аҳолисини яхшироқ таъминлаш учун

деҳ қонларнинг бозордан фойдаланишини осонлаштириш чораларини кўриш

зарур. деҳқонлар маҳсулотларини бозорга чиқишини осонлаштирадиган қишлоқ

воситачилари, транспорт операторлари ва улгуржи савдогарлар тармоғини

ташкил этишни рағбатлантириш шулар жумласидандир. воситачилар бозор

каналларини ташкил этишда муҳим вазифани бажаради ва уларнинг фаолияти

қўллаб-қувватланиши лозим.

Энди фермер хўжаликлари чорва маҳсулотларининг сотилиши ҳақида сўз юритамиз.

Чорва маҳсулотлари, жумладан, гўшт ва сутга давлат буюртмаси 1994 йилда тўлиқ бекор қилинган²

. Бу хўжаликларга ўз маҳсулотларини бозор нархларида

эркин сотиш имконини беради. сўров шуни кўрсатдики, фермерларнинг

қарийб 50 фоизи сут, қарийб 40 фоизи қорамол гўштини давлат бюджетидан

молиялаштириладиган ташкилотларга – шифохоналар, болалар боғча лари,

мактаблар, фахрийлар уйлари ва бошқаларга сотади (2.17-жадвалга қаранг).

сотишнинг яна бир муҳим йўли бозордир. Фермерлар кутилгандан ҳам кўра

камдан-кам ҳолларда ўз маҳсулотларини улгуржи олиб сотарлар, хусусий

харид фирмаларига сотади. Бу эса сотиш инфратузилмаси ривожланмаганидан далолатдир. қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархининг пастлиги ва транспортировка қилишнинг қийинлиги сотиш йўлларида қатъий назар умумий муаммо ҳисобланади

чорва маҳсулотларини ўзида қайта ишлаш муаммолари. Чорва маҳсу -

лотларини хўжаликларнинг ўзи қайта ишлаш амалиётини кенгайтириш маҳсулот турини кўпайтириш, демак, хўжаликларни тижоратлаштириш ва сотиш

ҳажмини ошириш имконини беради. Айти пайтда, 2007 йилги сўров шуни кўрсатадики айрим деҳқон хўжаликларигина (қорамолга эга хўжаликларнинг 13 фоизи) чорва маҳсулотлари, асосан сутни қайта ишлайди. оддий операция йўли билан қайта ишланган сутдан асосан қатиқ, қаймоқ, творог, сариёғ тайёрланади. Мураккаб қайта ишлайдиган ускунанинг йўқлиги ва нархининг баландлиги (сўралганларнинг 49 фоизи), кўникма етишмаслиги (20 фоизи) ва сотиш имкониятларининг чеклангани (25 фоизи) туфайли қўлланилмаяпти.

Чорвадор-фермерларнинг 15,3 фоизи ўзи ишлаб чиқарган ва сотиб олган

қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланади. Асосан

сут (қайта ишлаш билан шуғулланаётганларнинг 86,6 фоизи), гўшт (20,9 фоиз),

жун (6 фоиз) қайта ишланмоқда.

сўров иштирокчилари аксарият фермерлар қайта ишлаш билан шуғуллан-

ма ётганининг сабаблари орасида қуйидагиларни айтди:

- ускуна сотиб олиш имконининг йўқлиги - 41,3%;
- ускунанинг ҳаддан зиёд қимматлиги - 34%;

- қайта ишлаш билан шуғулланиш фойдасизлиги - 14,3%;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мутахассислар йўқлиги - 10,9%;
- қайта ишланган маҳсулотни сотиш имкониятининг йўқлиги - 10,2%;
- коммунал хизматлар кўрсатишда узилишлар (электр, сув, газ) қайта ишлаш билан шуғулланиш имконини бермаслиги - 2,8%;
- бошқа сабаблар - 8,4%.

таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш тармоғининг етарлича ривожланмагани билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш учун чоралар кўрилмақда. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги “озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1047-қарори

буни тасдиқлайди. ушбу ҳужжатга кўра, сут ва гўшти қайта ишлаш билан шуғулланадиган ишлаб чиқарувчиларга қўшимча имтиёзлар бериш, жумладан,

микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловини 50 фоизга камайтириш кўзда тутилган.

шундай қилиб, таҳлиллар шуни кўрсатадики, қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш чорвачилик хўжаликларини катталаштириш ва тижоратлаштириш даражасини юксалтиришга ёрдам беради:

1. Чорва моллари маҳсулдорлиги ва сифатини ошириш.
2. ерни хўжаликлараро ва хўжалик ичида, жумладан, ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқларини (субижара ҳуқуқи, ижара ҳуқуқини сотиб олиш ҳуқуқи ва бошқалар).
3. Чорва молларини парваришлаш ва чорва маҳсулотини сотишни таш кил этишда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш учун деҳқон хўжаликлари ўр та сида, деҳқон ва фермер хўжаликлари ўртасида кооперация алоқаларини кенгайтириш.
4. рақобатни ривожлантириш, маъмурий тўсиқларни бартараф этиш ва бо зор инфратузилмасини ривожлантириш орқали ресурслар ва чорва маҳсулотлари бозорини такомиллаштириш.
5. қишлоқ жойларда микромолиялаш соҳасини кенгайтиришни рағбат лантириш.
6. Чорва маҳсулотларини қайта ишлаш тармоғини ривожлантиришни рағбат лантириш.

давлат сиёсати. ҳукумат 1991 йилдан буён чорвачиликда озуқа базасини

яхшилаш мақсадида қатор қарорлар қабул қилди, жумладан:

- хусусийлаштирилган фермалар ва фермер хўжаликларини уларнинг бу- юрт малари бўйича сифат стандартларига қатъий амал қилган ҳолда, омукта ем, шелуха ва кунжара билан ўз вақтида таъминлаш учун омукта ем фондини ташкил этиш тўғрисида (1994 йил);
- чорвачиликнинг сифатли омукта емга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш

шароитини таъминлаш тўғрисида (1997 йил);

- “Ўздонмахсулот” компанияси доирасида юқори сифатли омукта ем ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш тўғрисида (1998 йил);

- деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасига воситачилик асосида фермерлар, деҳқонлар ва бошқа шахслар пул маблағларидан, шунингдек, банк кредитларидан фойдаланган ҳолда, омукта ем ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашган кооперативларни ташкил этишда кўмаклашиш тўғрисида (1998 йил).

Аммо, озуқа экинлари экиладиган майдонлар ва яйловларнинг қисқартирилиши туфайли кўрилган мазкур чора-тадбирлар сони тобора ортиб бораётган чорва молларининг озуқа базасини янада мустаҳкамлаш борасидаги вазиятни

ўзгартира олмади.

1998 йилда озуқа ишлаб чиқариш учун чорвачилик фермаларидаги суғориладиган 140 минг гектар ерга озуқа экинларини, 200 минг гектар ерга такрорий экинларни экишга қарор қилинди. Бу озуқа базасини мустаҳкамлаш

ва аҳолининг чорва моллари сонини кўпайтиришга ёрдам бериши керак эди.

Бироқ, бу қарорлар тўлиқ амалга оширилмади: озуқа экинлари учун мўлжалланган суғориладиган ерларнинг 50-60 фоизига пахта ва кузги бўғдой экилди. Бунинг устига, ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашди ва озуқа

экинлари ҳосилдорлиги пасайди. Хўжаликларда озуқа ўрадиган техниканинг йўқлиги, озуқа ишлаб чиқарадиган хўжаликларнинг давлат томонидан моддий ресурслар, имтиёзли кредитлар билан таъминланмагани ҳам бунга таъсир кўрсатди.

Чорвачиликни ривожлантиришга оид ҳар қандай дастур тегишли самара бериши учун соҳада озуқа базасининг чеклангани билан боғлиқ муаммони эътиборга олиши даркор. Бу муаммони озуқа экинлари экиладиган ерларни кенгайтирмасдан, бугунги кунда юзага келган ерларни тақсимлаш ва улардан фойдаланиш амалиётини ўзгартирмасдан ҳал этиб бўлмайди. Бундан ташқари, ҳукумат озуқа бозорининг институционал доираларини, аввало, омухта ем ишлаб чиқаришни қайтадан тартибга солиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг эркин бозорини ташкил этиш ҳисобидан ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиши лозим. шу

билан бирга, сифат стандартларини кузатиб бориш, ҳосилдорлиги юқори озуқа

экинларини яратиш борасидаги илмий изланишларни рағбатлантириш зарур.

олимларнинг ушбу йўналишдаги ютуқларидан фойдаланиш Ўзбекистонга

озуқа экинлари етиштириш учун ажратилган ва камайиб бораётган ерларда

етарли миқдорда озуқа етиштиришга ёрдам беради.

Бугунги кунда ҳукумат чорвачиликни озуқа билан таъминлаш борасидаги

мав жуд муаммоларни ҳал этиш чора-тадбирларини кўрмоқда. Ўзбекистон

республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги “шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 842-сонли қарорига биноан чорвачили-

к ка ихтисослаштирилган фермер ва бошқа хўжаликларга, шунингдек, паррандачилик корхоналарига ажратилган суғорма ерлар фақат ем-хашак экинлари экиш учун мўлжалланган ва давлат эҳтиёжлари учун пахта ҳамда донли экинлар экишда фойдаланилмайди¹

. Бу ерлар фақат озуқа экинлари экиш учун

мўлжалланган. Энди ушбу тақиқнинг амалга оширилишига эришиш лозим.

Бундан ташқари, ушбу қарорга мувофиқ:

- омухта ем саноатини модернизация қилиш ва фермер хўжаликлари ихтиёрида қоладиган ғаллани сотиб олиш имкониятларини яратиш бўйича ҳаракатлар режаси қабул қилинди. Бу қарор чорвачилик учун тўла қимматга эга омухта ем ишлаб чиқаришни кенгайтиришни таъминлаши лозим;
- вилоят ва туманлар доирасида ем-хашак, шу жумладан, омухта ем, кунжара ва шелуха сотиш бўйича ихтисослаштирилган ягона пунктлар тармоғини кенгайтириш ва оқилона жойлаштириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди наслчиликни ривожлантириш. Йирик чорвачилик фермаларида парвариш қилинаётган кўплаб чорва моллари хўжаликларни қайта ташкил этиш ва фермерларни хусусийлаштириш жараёнида фермер хўжаликлари ва аҳолига

сотилди, бир қисми сўйишга топширилди.

1995 йилда “наслчилик тўғрисида”ги қонун, кейинчалик вилоятларда насл -
чилик хўжаликларини ташкил этиш, хориждан зотли молларни сотиб олиш,
аҳолини зотдор моллар билан таъминлаш, селекция ишларини юритиш, аҳо-
лига сервис хизматларини кўрсатишга оид зарур қонуности ҳужжатлари
қабул

қилинди. ҳукумат қарорлари билан 1996 йилда “Ўзгўштсаноат”га чет эл-
дан зот дор молларни сотиб олиш учун миллий валютани конвертация
қилиш

ху қу қи берилди, 1998 йилда вилоятларда зотдор ёш буқаларни парвариш
қилиш бўйича 2-3 тадан ихтисослаштирилган наслчилик хўжаликлари ташкил
этилди, деҳқон ва фермер хўжаликлари республика уюшмасига чорвачилик-
ни зотдор чорва моллари билан таъминлашга кўмаклашиш топширилди,
1999 йил да “Ўзнасл-хизмат” республика наслчилик уюшмаси ташкил этилди,
Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илмий-ишлаб чиқариш марказига ушбу уюшма
билан биргаликда дав лат наслчилик заводларида наслчилик ишларини
амалга оширишни ислоҳ қилиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш вазифаси
юклатилди.

Бироқ, қонунда наслчиликни ривожлантиришга доир кўзда тутилган қатор
вазифалар, жумладан, наслчилик ресурсларини сақлаш ва улардан оқилона
фойдаланиш вазифаси бажарилмади. шунингдек, селекция жараёнида
фой даланиладиган наслчилик ресурсларининг келиб чиқиши ва уларнинг

сифатини баҳолашни ҳисобга олиш таъминланмади, янги ва фойдали генетик хусусиятларга эга чорва моллари олинмади. Чорвачилик тармоғининг иқтисодий самарадорлиги ва рақобатбардошлиги оширилмади. наслчилик чорва-чилиги етарли даражада илмий таъминланмагани, хориждан зотдор моллар ва музлатилган уруғлар етарлича сотиб олинмагани, озуқа базасининг етишмаслиги, ветеринария хизматлари яхши кўрсатилмаётгани, чорва молларини

парвариш қилиш бўйича зарур санитария нормаларининг йўқлиги, аҳолининг наслчилик иши масалаларида тўлиқ хабардор эмаслиги бу борадаги ишларнинг

асосий сабабларидандир.

Айни пайтда зотдор моллар давлат наслчилик хўжаликлари, чорвачилик фермер хўжаликлари, жамоа чорвачилик фермалари ва аҳолида унчалик кўп эмас. Ўзбекистонда қора, швицкий, даштда боқиладиган қизил қорамоллар, бушуев, “санта-гертруда” асосий зотлар ҳисобланади.

республикадаги наслчиликнинг бугунги аҳволини талаблар даражасида эмас, дейиш мумкин.

Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти селекция ишларини

амалга оширмоқда. олимлар қора, швиц, даштда боқиладиган қизил наслдор қорамоллар генофондини сақлаш ва маҳсулдорлигини ошириш борасида иш олиб бормоқда.

озуқанинг етишмаслиги, қорамолларни сифатсиз парвариш қилиш, мала-

кали мутахассисларнинг камлиги ва селекция ишларининг ёмонлиги илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ишлар самарали йўлга қўйилмагани, илмий муассасаларда олиб борилаётган тадқиқот ишлари даражаси пастлиги, олимлар ва мутахассислар ишлари етарли рағбатлантирилмаётгани, ишлаб чиқаришга илмий ишланмаларни жорий этишга ҳамиша ҳам эътибор берилмаётгани, чорвачилик фермер хўжаликлари ўртасида кенг кўламли маслаҳат ишлари йўлга қўйилмаганидан далолатдир.

шу сабабли 2006-2010 йилларда чорвачиликни ривожлантириш дастурида наслчилик ишига эътиборни кучайтириш, чет элдан зотдор молларни, музлатилган уруғлар, ветеринария вакциналари, жиҳозлар ва ускуналар сотиб олиш

ва уларни божхона божидан озод қилишга қаратилган чора-тадбирлар кўзда тутилган. наслчилик ишини қайта тиклаш ва янада ривожлантириш учун хориждан зотдор молларни сотиб олиш, республика илмий муассасаларида селекция ишларини давом эттириш ва уларни наслчилик фермер хўжаликларида жорий этиш назарда тутилган. ҳукуматнинг қарори билан Хитой, Украина, Қозоғистон, Голландия ва бошқа мамлакатлардан 14800 бош зотдор мол сотиб олиш тасдиқланди. Фермер хўжаликлари чорва молларини “насл-хизмат” вилоят наслчилик хизматлари ёрдамида сотиб олади. 2006 йилда 632, 2007 йилда 3487, 2008 йилда 6501

бош чорва моли олиб келинди. Айтилган пайтда зотдор чорва молларини импорт қилишда қуйидаги муаммолар мавжуд:

- молия ресурсларининг етишмаслиги;

- ташкилий ишларнинг ҳал этишда, жумладан, зотдор молларни сотиб олиш учун валютанинг ўз вақтида конвертация қилишдаги қийинчиликлар.

Чет элдан зотдор моллар сотиб олиш амалиёти ветеринария текшируви талаб

даражасида амалга оширилмаётгани натижасида касал чорва моллари ҳам олиб

келинаётганини кўрсатди. Бундан ташқари, ҳамма чорва моллари ҳам маҳаллий та бий-иқлим шароитига мослашиб кетавермайди, уларга сифатли қарамаслик

касалликка чалиниши, маҳсулдорликнинг пасайишига олиб келади.

республиканинг 29 туманида чорвачиликни ривожлантириш учун танлаб

олинган янги наслчилик хўжаликларини ташкил этиш борасида ишларнинг

аҳволи ҳам яхши эмас, олиб борилаётган ташкилий ишлар доимий равишда мутассадди мутахассислар томонидан назорат қилиб боришни тақозо этмоқда¹

.Айни пайтда қатор жамоа чорвачилик хўжаликларида, масалан “тошкент

Аграсаноат”, “Милк-Агро” ва бошқа хўжаликларда муайян наслчилик ишлари

амалга оширилмоқда ушбу хўжаликларда қорамол сонининг кўплиги (100

бош

дан ортиқ) ва ветеринар-мутахассисларнинг борлиги ҳисобга олиниб, ве-

теринария хизмати ва селекция ишлари яхши йўлга қўйилган.

сўнгги йилларда фермер ва деҳқон хўжаликларида зотдор молларни сотиб

олишга қизиқиш ортиди. республикада аҳолига зотдор молларни сотиш бўйича

кимовиди савдолари ўтказилмоқда. Айни пайтда, тижорат банклари ва аҳоли бандлигини таъминлаш жамғармаси аҳолига қорамол сотиб олиши учун микрокредитлар ажратмоқда.

асосий муаммолар ва давлат сиёсати. таҳлил шуни кўрсатдики, республикада ветеринария хизматини кўрсатиш ва наслчилик ишидаги асосий муам-

молар қуйидагилардир:

- аҳолининг ветеринария хизматлари аҳамиятини етарли даражада яхши тушунмаслиги;

- аввало, деҳқон хўжаликларининг ветеринария хизматлари учун тўловга лаёқатлилик даражасининг пастлиги;

- ветеринария пунктларининг махсус ускуна ва бинолар билан яхши таъминланмагани;

- вакцинанинг етишмаслиги, молларни тўлиқ эмламаслик;

- эмлаш учун қўлланиладиган препаратларнинг ва уруғлар сифатининг пастлиги;

- ветеринария соҳасида хусусий тадбиркорликнинг яхши ривожланмагани;

- аҳоли ўртасида чорва молларини эмлаш ва сунъий қочириш бўйича тадбирлар ўтказиш зарурлигининг етарлича тарғиб қилинмаётгани;

Хулоса

қишлоқ хўжалиги - Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. 2007 йилда унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 21,7 фоизни ташкил қилди. қишлоқ хўжалигида мамлакат иқтисодий фаол аҳолисининг 26,5 фоизи меҳнат қилади.

Мамлакатда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг тахминан 45 фоизи чорвачилик улушига тўғри келади. 1991 йилдан буён қорамоллар сони қарийб 1,5 баравар кўпайди ва бу гўшт ва сүт ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотидан чорва маҳсулотлари улушининг ўсишида муҳим омил бўлди. Чорвачилик муҳим ижтимоий аҳамиятга эга. соҳада асосан гўшт ва сүт ишлаб чиқарилади. Бу маҳсулотлар муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳига киради ва қишлоқ аҳолиси даромадининг муҳим қисмидир. Мазкур тадқиқот доирасида ўтказилган таҳлил деҳқон оилалари фаровонлигининг қорамол сони ва маҳсулдорлигига бевосита боғлиқлигини кўрсатди.

Бироқ, республика чорвачилигининг маҳсулдорлиги даражаси ҳозирча нафақат гўшт-сүт маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган етакчи мамлакатлар, балки, собиқ иттифоқнинг аксарият давлатларидан ҳам паст.

Энди, Ўзбекистонда чорвачиликни ривожлантиришга монелик қилаётган муҳим муаммоларга тўхталиб ўтамиз. чорвачилик озуқа базасининг чекланганлиги сифатли озуканинг етишмаслиги чорвачилик маҳсулдорлиги пастлигининг асосий сабабларидандир. ушбу нашр муаллифлари ҳисоб-китобларига кўра, чорвачилик фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг озуқа билан таъминланиши 42 фоиз, (қорамоллар сонининг 93 фоизи парвариш

қилинадиган) деҳқон хўжаликларида эса 25 фоизни ташкил қилади. Бу рақамлар озуқа билан таъминлаш муаммосини тубдан ҳал қилмасдан туриб, чорвачилик маҳсулдорлигини ошириб бўлмаслигини кўрсатади.

Бунинг асосий сабаби озуқа экинлари етиштириладиган майдонларнинг кескин камайиб кетганидир: 1991 йилдан 2007 йилгача 70 фоиздан ортиқ²

.Бундан ташқари, тупроқ унумдорлиги ҳам пасайиб кетган озуқа экинлари экиладиган майдонлар етишмаслиги билан боғлиқ муаммони ерларни хўжалик ичида ва хўжаликлараро қайта тақсимлашнинг мослашувчан механизмини яратмасдан ҳал этиб бўлмайди. Айни пайтда, қишлоқ хўжалик корхоналари (фермер хўжаликлари ва ширкатлар) ўз ерларининг катта қисмини қишлоқ хўжалик экинлари учун эркин қайта тақсимлай олмайди. негаки, ерларнинг катта қисми пахта ва ғалла билан банд. ердан фойдаланиш ва субижарага бериш ҳуқуқини берувчи бозорнинг йўқлиги туфайли ерни хўжаликлараро қайта тақсимлашнинг иложи йўқ.

Муаммонинг яна бир жиҳати – бу омукта емнинг етишмаслиги, сифатининг пастлиги ва нархининг қимматлигидир. Бунинг асосий сабаблари омукта ем ишлаб чиқариш учун хомашёнинг етишмаслиги (озуқа экинларининг етарли миқдорда етиштирилмаслиги туфайли) ва соҳада уни ишлаб чиқариш бўйича рақобатнинг йўқлиги. аксарият чорвачилик хўжаликларининг майдалиги ва уларни тижоратлаштириш даражасининг пастлиги

Чорвачиликнинг асосий хусусияти шундаки, чорва маҳсулотларининг катта қисми унчалик катта бўлмаган оилавий (деҳқон) хўжаликларида ишлаб чиқарилади. қорамолларнинг 93 фоизи ушбу хўжаликларда парвариш қилинади Бундай хўжаликларда қорамоллар сони унчалик кўп эмас – 2-3 бошни ташкил қилади. шундай бўлса-да, пода сони бевосита чорвачилик хўжалигининг самарадорлигига боғлиқ: пода қанчалик катта бўлса, сут соғиб олиш миқдори, қорамол маҳсулоти нархи ва қорамол парвариш қилишдан тушадиган даромад ҳам ошади²

.Хўжаликларнинг майдалиги уларнинг фаолиятининг тижоратлашув даражасининг пастлиги билан ҳам боғлиқ: деҳқонларнинг атиги учдан бир қисми ишлаб чиқарган гўшт-сут маҳсулотларини сотади, қолганлари

қорамолларни ўз эҳтиёжи учун парвариш қилади. шу билан бирга, тижоратлашув даражаси оила фаровонлигига жиддий таъсир кўрсатади: ўз чорва маҳсулотларини сотадиган уй хўжаликлари бир нафар оила аъзосига шахсий эҳтиёжи учун қорамол парвариш қилаётган уй хўжаликларига қараганда тахминан 1,5 баравар кўп даромад қилади. шу сабабли давлат истеъмол бозорини бойитиш ва қишлоқ жойларда турмуш даражасини ошириш мақсадида деҳқон хўжаликларини

тижоратлаштиришни рағбатлантириши лозим.

деҳқон ва фермер хўжаликларида қорамол сонининг кўпайиши, маҳсул-

дорлиги ва тижоратлашув даражасининг ошишига тўсқинлик қилаётган асосий

сабаблар қуйидагилар:

- озуқа базасининг етишмаслиги;
- чорвачилик фаолиятини амалга ошириш учун ерларнинг етишмаслиги;
- чорва моллари харид қилиш учун маблағнинг йўқлиги; замонавий технологиялар, илм-фан ютуқларини жорий этиш,

сўнгги йилларда Ўзбекистон ҳукумати чорвачиликни ривожлантириш, ай-

ниқ са, қорамол парвариш қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда ва мавжуд

муаммоларни ҳал этиш йўлларини топишга тайёр. соҳани ривожлантириш

шарт-шароитларини такомиллаштиришга доир режалаштирилаётган чоралар

бундан яққол далолат беради. жумладан, бу борада зотдор молларни харид

қилиш ва наслчилик ишини жадаллаштириш, ветеринария хизмати кўрсатишни ташкил этишга давлат томонидан ёрдам бериш, маҳсулдор молларни сотиб олиш учун микрокредитлар ажратиш, озуқа экинлари учун ажратилган ерлардан мақсадсиз фойдаланишга барҳам бериш, қишлоқаҳолисининг чорва моллари парвариш қилишдан манфаатдорлигини оширишга оид чораларни янада кучайтириш режалаштирилмоқда. Бу чораларнинг барчаси, сўзсиз, ижобий натижа беради ва соҳа самарадорлигини оширишга, демак мамлакат аҳолисининг фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади. режалаштирилган чора-тадбирларнинг

амалга оширилиши бу борадаги асосий масала ҳисобланади.

Бундай чора-тадбирлар ердан хўжаликлараро даражада фойдаланишни маъқбуллаштириш, шунингдек, фермерларнинг молиявий ресурслардан баҳраманд бўлиш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Foydalanilgan adabiyotlar ruyxati

1. Авезбаев с.А. қуйи Амударё текисликларида ерлардан унумли фойдаланиш (рус тилида). – тошкент: Меҳнат, 1990. - 156 с.
2. таҳлилий тавсиянома «Агросуғурта: халқаро тажриба, Ўзбекистондаги ҳо зирги ҳолат ва тараққиёт имкониятлари», (рус тилида) 2008. Бирлашган Миллатлар ташкилоти тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси нашри.
3. таҳлилий тавсиянома «Пахтага давлат буюртмаси: механизмларни такомил лаштириш имкониятлари». тошкент, 2007. Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларга кўмаклашиш BEARING POINT лойиҳаси ёрдамида нашр этилган.
4. таҳлилий тавсиянома «Ўзбекистонда чорвачиликнинг барқарор ривож ланиши: ҳозирги аҳвол ва тавсиялар». БМТднинг “Ўзбекистонда чорвачилик соҳасининг барқарор ривожланишини қўллаб қувватлаш” лойиҳаси томонидан тайёрланган. тошкент 1(11)2008. Профессор цви лерман.
5. варламов А.А., волков с.н. ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш (рус тилида). - М.: Агропромиздат, 1991. – 143 саҳифа.
6. волков с.н. ер ислоҳоти шароитида ер тақсимланиши. (Экономика, экология, ҳуқуқ) (рус тилида).- М.: Билина, 1998. - 526 саҳифа.
7. гречихин в.н. ҳозирги замон босқичида Ўзбекистон ер фондидан фойдаланишни прогнозлаштириш ва режалаштириш (рус тилида).- тошкент: Меҳ-

нат, 1990. – 147 с.

8. дмитриев н.г. Чорвачилик асослари (рус тилида). М., 1969 й.

9. Ўзбекистон республикасининг “сўв ва сўвдан фойдаланиш” тўғрисидаги қонуни. тошкент, 1993.

10. Ўзбекистон республикаси ер кодекси. тошкент, 1998.

11. Ўзбекистон республикаси ер фонди (1991-2008 йиллар).

12. и. станчин, ц. лерман. туркменистонда аграр ислохот (рус тилида), 2003.

13. караматов о. о. ер бозори: реал шароит ва истиқболлари (рус тилида) - жалолобод: илим, 2004. - 176 с.

14. Ўзбекистон республикаси конституцияси (Асосий қонуни). тошкент: Адолат, 1998 - 78 с.

15. иқтисодий назария курси: олий таълим ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланмаси (рус тилида). Муаллифлик жамоаси раҳбари ва муҳаррир – А.в.сидорович; М.в. ломоносов номли Москва давлат университети. - Москва:

«дело и сервис» нашриёти, 2007. – 1040 с.

16. Ўзбекистон республикаси солиқ кодекси. тошкент, 2008.

17. Ўзбекистон республикаси ер заҳиралари ҳолати ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги Миллий ҳисобот (1991-2008 йиллар).

18. социологик сўров натижалари бўйича ҳисобот (БМТТДнинг “Ўз бе -

кистонда чорвачилик соҳасининг барқарор ривожланишини қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси бўйича мувофиқ фермер ва деҳқон хўжаликлари сўрови), тошкент, 2007. ижро этувчи идора: “ТАНЛИЛ” ижтимоий тадқиқотлар

маркази.

19. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2006 йил 23 матидаги

“шах

сий томорқа, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва бош сонини

оширишни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар” тўғрисидаги 306- сонли

Фармойиши.

20. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги 842-

сонли Фармойиши.

21. румянцева е.е. янги иқтисодий энциклопедия (рус тилида). – М.:

инФрА-М, 2008.-ҮІ, 826 с.

22. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. статистик тўплам (рус тилида). (1991-

2008 йиллар).

23. Ўзбекистон статистик шарҳи. (1991 – 2008 йиллар).

24. толипов г.А. “Ўзбекистон ер заҳиралари ва улардан оқилона фойдала-

ниш муаммолари” (рус тилида).- тошкент, 1992. – 236 с.

25. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2008 йил 20 октябрдаги

“Экин майдонларини оптималлаштириш ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб
чиқаришни ошириш” тўғрисидаги 4041-сонли Фармони.

26. Хусанов р.Х. Аграр ислоҳот: тенденция, амалиёт, муаммолар. - тошкент:

Ўзбекистон, 1994. – 74 с.

27. ц. лерман. собиқ совет иттифоқида қишлоқ хўжалигининг қайта

тикланиши: ер ислоҳотлари ва хўжаликлар қайта шакллантирилишининг 15

йили шарҳи (инглиз тилида), Post-Soviet Economies, Vol. 20, No. 4, pp. 391-412

(December 2008).

28. Чертовичкий А.с., Базаров А.к. Ўзбекистон ердан фойдаланиш тизими.

- т: «Фан». 2007. – 415 с.

29 www.gov.uz

29.1 www.edu.uz

29.2 www.ziyonet.uz

29.3 www.mf.uz

29.4 www.stat.uz

29.6 www.livestock.uz

29.7 www.agro.uz